

Ш.Э. Бобомуродова

ЭЛБЕКНИНГ ТИЛШУНОСЛИК
МЕРОСИ




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Бобомуродова Шоира Эркиновна

**ЭЛБЕКНИНГ ТИЛШУНОСЛИК
МЕРОСИ**

Монография



**“Nodirabegim” нашриёти
Тошкент – 2020**

КБК: 81.2Ғ(5Ў)

Б 79

УЎК: 811.512.133.09(092)

ISBN 978-9943-6495-8-3

Бобомуродова, Шоира Эркиновна.

Элбекнинг тилшунослик мероси [Матн] : монография / Шоира Эркиновна Бобомуродова. - Тошкент : Nodirabegim nashriyoti, 2020. - 108 б.

Монография 20-30-йилларда фаолият кўрсатган маърифатпарвар шоир, таржимон, фольклоршунос, педагог, мухаррир, тилшунос олим Элбек ижодига бағишланган бўлиб, унда олимнинг ўзбек тилшунослиги соҳасида олиб борган ишлари таҳлил қилинган. Элбек билан бир даврда яшаган тилшуносларнинг фаолияти қиёсан ўрганилган. Алифбо ва имло ислохотлари жараёнлари, дарсликлар тузиш муаммолари, ўзбек атамашунослигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, ўзбек тилининг умумий ва махсус луғатларини тузиш жараёнлари ва бу соҳада қилинган ишлар матбуотда ўша давр газета ва журналларида чоп этилган нашрлар асосида таҳлил этилган ва Элбек фаолиятига баҳо берилган.

Монография тилшунос олимлар, тилшунослик илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Тўлқин Тоғаев – филология фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Султон Нормаматов – филология фанлари доктори.

Шоҳиста Маҳмараимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2020 йилдаги 3-сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

© Ш.Э. Бобомуродова.

© “Nodirabegim” нашриёти, 2020.

КИРИШ

Ўзбек тилшунослиги тарихини тадқиқ этиш унинг кейинги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. С.Аширбоев [5.2], Л. Чичулиналарнинг [3.9] XX аср бошлари ва ўрталарида ижод этган рус туркологларининг тилшунослик фаолиятига бағишлаб ёзган ишлари ҳамда М. Курбонованинг [5.6] “Фитратнинг тилшунослик мероси” мавзули диссертацияси ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда аҳамиятли ўринларни эгаллайди. Бироқ ўзбек тилшунослигининг XX аср бошларидаги ҳолатини батафсил ўрганиш учун тил муаммолари билан жиддий шуғулланган Бехбудий, Мунаввар Қори, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим, Шорасул Зуннун, Боту, Маннон Рамз, Отажон Ҳошим, Абдулла Алавий, Вадуд Маҳдуд, Санжар Сиддик, Абдулла Йўлдош, Ёқуб Омонларнинг илмий фаолиятига доир махсус тадқиқотлар яратиш зарур. Биз ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб илмий иқтидори, юксак билим даражаси, қолдирган салмоқли илмий мероси билан бошқа тилшунослардан ажралиб турувчи Элбек ижодини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Элбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлароқ маълумот берувчи асар С.Мамажонов [1.48] қаламига мансуб бўлиб, олим унинг ижодий фаолиятидаги етти муҳим йўналишни (тилшунос, шоир, муҳаррир, педагог, олим, фолклоршунос, таржимон каби) санаб ўтиш билан бирга айрим тилшуносликка оид асарлари ҳақида ҳам тўхталган. Н.Қобулов [7,5], Ҳ.Узоқов, О.Абдуллаев [7,6] каби олимларимиз томонидан кейинги вақтларда ёзилган ишлар Элбекнинг шоирлик фаолиятига бағишланган. Бизнинг бу ишимизда Элбекнинг тилшунослик мероси биринчи бор махсус монографик планда тадқиқ этилмоқда.

Монографиянинг асосий мақсади бирламчи манбалар асосида Элбекнинг тилшунослик фаолиятини атрафлича ўрганиб, унинг илмий меросини таҳлил этиш ва шу асосда ўзбек тилшунослиги босиб ўтган тарихий жараёни қисман бўлсада ёритиш.

Монографиянинг тадқиқот доираси қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

-XX аср бошларида кўтарилган алифбо, имло, сингармонизм, унлилар, лаб оҳанги, адабий тил муаммолари ва бу борада Элбек билдирган фикр-мулоҳазаларнинг амалий-назарий аҳамиятини ўрганиш;

- Илк ўзбек тили грамматикасини тузиш ҳамда илмий грамматик терминларни яратиш соҳасида Элбекнинг хизматларини кўрсатиш;

- Элбек асарларида қўлланилган грамматик атамаларни таҳлил қилиш;

- Элбекнинг 20-йилларда тил тозалигини сақлаш, уни ички имкониятлар асосида шакллантириш борасидаги фаолияти давомида яратилган “Луғат ва атамалар” асарини тадқиқ этиб, унинг ўша даврдаги амалий аҳамиятини кўрсатиш;

- Элбекнинг тилшунослик тарихида биринчи бор тузилган “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғатининг лексикографик хусусиятларини ўрганиш. Уни Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати” [6.8] билан қиёслаб, таҳлил қилиш ва шу асосда Элбек луғатининг бугунги кун луғатшунослигига тадбиқ қиладиган томонларини кўрсатиш;

- Элбекнинг кейинчалик тузилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”[6.11] нинг таркибий қисми ҳисобланган “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” асарининг лексикографик хусусиятларини ўрганиш;

- Элбек луғатларини тадқиқ этиш асосида, унинг ўзбек луғатшунослиги ривождаги ўрнини белгилаш.

Монографияда Элбекнинг тилшунослик фаолияти илк бор бирламчи манбалар асосида яхлит ҳолда ўрганилди ва унинг илмий мероси таҳлил этилди. Олимнинг тил масаларини ҳал этиш, атамаларни шакллантириш, луғатлар тузиш борасидаги хизматлари илмий далиллар асосида кўрсатилди. 20-30 йиллардаги турли мақола, дарслик, рисоалар тўлиқ тўпланиб, уларда қўлланилган илмий грамматик терминлар таҳлил этилди. Айрим тилшунослик терминларининг келиб чиқиш манбалари, номланишига асос

бўлган сабаблар аниқланди. Элбек тузган луғатларнинг лексикографик хусусиятлари ўрганилди. Унинг ўзбек луғатшунослигига қўшган ҳиссаси очиб берилди.

Элбек илмий меросининг махсус текширилиши:

- 20-йилларда Чигатой гурунги тўғараги аъзолари томонидан муомалага киритилган баъзи бир туркий сўзларнинг маъноларини аниқлашда;

- Ўзбек тилшунослигининг изчил илмий тарихини яратиш ва тараққиёт босқичини белгилашда;

- Бугунги кунда тилшунослигимиздаги айрим назарий фикрлар ва атамаларни ислоҳ қилишда аҳамияти каттадир.

Монографияга илова қилинган Элбекнинг тилшунослик мероси ўзбек тили тарихи билан қизиққан барча тадқиқотчилар учун манба бўлиб хизмат қилади.

Элбекнинг тилшуносликка оид барча илмий асарлари [8.1-8.33] ҳамда унинг замондошлари тарафидан яратилган тилшуносликка оид мақолалар, рисола, қўлланмалар, айрим усмонли турк ва татар тили грамматикасига оид асарлар тадқиқотга манба сифатида олинди.

ЭЛБЕКНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Машриқ Юнус ўғли Элбек 1898-йил Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғида туғилиб ўсди. Ўша ерда эски мактабда сабоқ олиб (1905-1909 йиллар), маълум вақт деҳқончилик ишлари билан машғул бўлгач, 1911 йил оиладаги иқтисодий қийинчиликлар туфайли Тошкент шаҳрига келиб, кун кечира бошлади. А.Авлоний, Мунаввар Қори каби маърифатпарварлар томонидан ташкил этилган “усули жадид” мактаби кўпгина болалар қатори Машриқни ҳам ўз кучоғига олди. Ёшлигидан адабиётга ҳавасманд бўлган Машриқ халқ оғзаки ижоди намуналаридан парчаларни ёд билар, шеър ёзишни машқ қилар, иқтидори ва қобилияти билан ўз тенгдошларидан ажралиб туради.

1918-йилда адбий хизматлари билан танилган Фитратнинг Тошкентга ташрифи ўқитувчилик касбини танлаган Машриқ ҳаётида катта ўзгаришлар ясади. Халқни саводсизликдан қутқариб, маърифатга етиштириш учун ҳарф ва имлони ислоҳ қилиш, ўзбек тилининг қатъий қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, ўзбек адабий тилини ривожлантириш каби олий мақсадларни амалга ошириш ниятида Фитрат томонидан ташкил этилган “Чигатой гурунги” тўғарагида Машриқ ўзининг илмий фаолиятини бошлаб юборди.

Машриқ дастлаб матбуотда босилган шеър ва мақолаларини “Чигатой гурунги” таҳаллуси билан эълон қилган бўлса, 1919 йил “Ўксуз” номли шеърдан бошлаб (Иштирокиюн, октябрь) устози Фитрат танлаб берган Элбек таҳаллусини қўллай бошлади. Бизга маълумки, ўтмиш аждодларимизнинг кўпчилиги араб ва форс сўзларидан таҳаллус танлашган. Тил софлиги учун курашган “Чигатой гурунги” аъзолари эса бу анъанадан воз кечиб, соф туркий сўзлардан таҳаллус танлай бошладилар. Масалан, юксак билим ва иқтидорга эга бўлган Фитрат гуруҳ аъзоларига Боту, Ўктам, Элхон, Элчи, Чигатой, Ўғуз, Ўктой, Элтузар, Жиғой, Ёилдирим каби жасурлик, қаҳрамонлик бобида донг таратган аждодларимиз номлари асосида таҳаллус танлаб берган.

20-30-йиллар ўзбек зиёлилари гарданида гоят масъулиятли вазифалар турар эди. Шунинг учун улар тор доирада чекланиб қолмасдан, ўз ижодий фаолиятларини кенг қамровда олиб бордилар, ўзбек маданиятини ривожлантириш, юксалтириш учун қўлларидан келганча хизмат қилдилар. Элбек ҳам кўп қиррали ижодкорлардан бири эди. У 20 йиллар “Чиғатой гурунги” тўғарагидаги фаолияти давомида ўз шеърларини тўплаб китоб ҳолида нашр этгирди, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб бостирди, “Чиғатой гурунги” таркибидаги “Имло тўдаси”(1920 йил) гуруҳида тил ва имло масаласи бўйича илмий изланишлар олиб бориб, “Тил” [8.1], “Алифбо масаласи” [8.6], “Имло масаласи”[8.2] каби мақолаларини эълон қилди.

Бу даврда мактабларда ўқув ишлари йўлга қўйилган бўлсада, дарсликлар жуда кам эди. Шунинг учун 20-30-йиллар давомида Элбек ўқув қўлланмалари тузиш ишлари билан банд бўлди. Бу даврда яратилган дарсликларга назар солсак, уларнинг асосий қисми Элбек қаламига мансуб эканлигини кўрамиз. Масалан, “Ўрнак” “Билим” “Ўзбекча ўқиш” каби бир неча қисмдан иборат ўқиш китоблари, “Ёзув йўллари” номли имлога оид ҳамда “Бошланғич мактабда она тили” номли методик қўлланмаси, “Тўзал ёзғичлар” номли шеърый мажмуа асрлари фикримиз далилидир.

Тилшунослик Элбек фаолиятининг асосий соҳаларидан бири бўлсада, у Фитрат, Қаноун Рамазонлар каби олий ўқув юртиларига бориб тил доирасида билим ва тажриба орттиришга имкон топа олмади. Элбек ёшлигидан тил ва имло масалаларига жуда қизиққанлиги учун (ёзувчилар союзи пленумида сўзлаган нутқида “эскидан менинг муҳаббатим тил соҳасида эди” деб айтган эди) мустақил равишда изланади. Ўша даврда яратилган қозоқ, татар, турк тили грамматикаларини ўрганади, “Онғ”, “Улфат”, “Ойна” каби татар тилидаги журналлар орқали туркий тил муаммоларига бағишлаб ёзилган илмий мақолалар билан яқиндан танишади. Шу асосда эгаллаган билим ва тажрибаларига таяниб, тил муаммоларига оид ўз фикр мулоҳазалари ифодаланган бир қанча мақолаларини эълон қилади.

Элбек алифбо ислоҳотларида ҳам ўзининг мустақил фикрлари билан фаол қатнашиб, уларни тарғиб қилишда гоят катта рол ўйнади. Масалан, Элбек 1926-йил Янги алифбе марказий кўмитасида котиблик вазифасида ишлаган вақтида Шокиржон Раҳимий билан биргаликда кўмитанинг иш режаларини ишлаб чиққан, орфография ва терминологияга оид материаллар тайёрлаган [3.5].

Элбекнинг илмий фаолиятида луғатшунослик алоҳида ўрин тутди. Олим ўз луғатчилик фаолиятини “Чигатой гурунги” тўғарагида халқ оғзаки ижодида намуналарини тўплаб, уларнинг тил хусусиятларини ўрганиш билан бошлаган бўлса, кейинчалик луғат ва атамалар устидаги (1924 йил) изланишлари давомида бу соҳага чуқурроқ кириб боради. 1934-1935 йилларда “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати”, “Ўзбекча маънодош сўзлар луғати”, ҳамда “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” номли халқ дostonлари тилига оид луғатларини тузиб, нашрга тайёрлади.

Элбек луғат тузиш борасида кўпгина мақсадларни олдига қўйган эди. Бироқ 30-йиллардан бошлаб ўзбек зиёлиларига қарши бошланган тазйиқлар уларнинг фаолиятини бўға бошлади, ҳаттоки айрим нашрга тайёрлаб қўйилган (масалан, Элбекнинг “Маънодош сўзлар луғати” каби) асарларини турли мафкуравий айблар билан нашр этилишига йўл қўйилмади. Ана шундай сабаблар туфайли, Ўзбекистон Тил ва Адабиёт илмий текшириш институтига катта мақсадлар билан ишга кирган Элбек, 7 ой ичида уни тарк этиб кейинги фаолиятини, асосан, бадиий ижод, таржимонлик ишларига бағишланади. 1937-йилда халқ душмани дея қўлга олинган Элбек 1942-йил сургунда ўпка шамоллашидан вафот этди. Ўзининг қисқагина умри давомида бадиий адабиётда сўз қўллаш, услуб яратиш борасида миллийликни доимо олға суриб, ўзбек адабий тилининг юксалувида ижобий рол ўйнаган Элбекнинг тилшунослик меросини ўрганиш гоят зарур. Бу орқали биз ўзбек тилшунослигининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари борасида муҳим маълумотга эга бўлаемиз.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ.

ЭЛБЕКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ўзбек тили илмий грамматикасини тузиши тажрибалари.

Атамалар масаласи

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб маънавий уйғониш сари юз тутган туркий миллат маърифатпарварлари миллатнинг кўзгуси, тараққиёт омили бўлган тил масаласига жиддий эътибор қарата бошладилар. Матбуотнинг юзага келиши, нашр ишларининг авж олиши, мактаб ва маорифга эътиборнинг ортиши натижасида имло масаласи биринчи ўринга чиқди. Маърифатпарварларнинг дунёвий илму фан ва маданият сари интилишлари тилни илмий асосда ўрганишни кун тартибига қўйди. Татар олими Жалолиддин Валидий бу ҳақда шундай ёзган эди: “Усули жадида оқими она тилини ўрганув” деган бир нарсани олға қўймади. Усули жадида мактабларига татар тилининг қоидалари киритилмади. Лекин ул дин ва халқ ҳам баъзи бир фан дарсларин енгил усулда турли тилда ўрганувни лозим кўрганликдан она тилини текширувга бир даражада йўл очди” [4,5, 15-бет].

XX аср бошларига келиб фан ва маданият ўчоғига айланган Истанбул, Қозон шаҳарларида турк тилини тадқиқ этувчи тилшунос олимлар гуруҳи фаолият кўрсата бошлади. Улар ҳарф, алифбо, имло муаммолари устида изланишлар олиб бориб, турк тилининг илмий грамматикасини яратишга бел боғладилар. Натижада “Қавойиди лисони туркий” [4.1], “Татар тилининг грамматикаси” [4.5], “Татар сарфи” [4.6], “Қавойиди туркия” [4.8] каби бир қанча грамматик асарлар юзага келди.

XX аср бошларида Туркистонда очилган усули жадида мактабларида, 9 ойлик билим юртларида она тили ўқитиш ўқув режасига киритилган бўлиб, муаллимлар шогирдларига тил қоидаларини усмонлича ва татарча китоблардан олиб (бузиб-тузиб турли йўллар билан) ўқитмоққа мажбур бўлдилар. Чунки бу даврда ўзбек тилининг қоидалари махсус ўрганилмаган, “Қавойиди туркий” каби грамматикага оид асарларда эса турк тилларининг

қурилишига оид умумий йўналиш берилган эди, холос. Айрим жадид мактабларида туркий халқларнинг барчаси учун умумий бўлган ўрта тил ва имлони қабул эттириш ғояси остида турк тили грамматикаси ўқитиларди.

XX аср бошларида рус тилида ҳам бир қанча ўзбек тилига оид грамматика ва хрестоматиялар тузилган бўлиб, унда тил қоидалари рус тили грамматикаси асосида изоҳланганлиги сабаб ўзбек ўқувчилари эҳтиёжини қондира олмас эди. 1913 йилда М.Фахриддинов томонидан тузилган “Туркча қоида” [2.13] каби асарлар эса турк олимлари томонидан араб тили сарф-наҳви андозаси асосида тузилган грамматиканинг нусхаси эди, холос.

Фитрат бошчилигидаги Чигатой гурунги аъзолари илк бор ўзбек тилини илмий асосда ўрганишга киришдилар. Улар тил қоидаларини рус ёки араб тили грамматикаси асосида эмас, балки шу тилнинг ички хусусиятлари асосида ёритиш кераклигини тушуниб етганлиги сабабли тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, шевалар асосида материаллар тўплаб, уларни илмий жиҳатдан ўргана бошладилар. Натижада матбуот саҳифаларида Элбек [8.2], Қаюм Рамазон [1.71], Шокиржон Раҳимий [1.75], Шорасул Зуннун (Элчи) [1.118] ларнинг ўзбек тили товушлари, унлилар, сингармонизм масалаларидан баҳс этувчи мақолалари кўрина бошлади. Булар шўро давридаги ўзбек тилшунослигига бағишланган илк илмий тадқиқотлар эди.

Фитрат, Қаюм Рамазон ҳаммуаллифлигида тузилган “Битим йўллари” [2.19] ўзбек тили назарий масалалари ёритилган энг биринчи ибтидоий қўлланма бўлиб, у кейинги таркиб ва мазмун жиҳатдан мукамал бўлган тил сабоқликларининг юзага келишига асос бўлди. Тил соҳасида ўзининг фаолиятини бошлаб юборган Элбекнинг биринчи “Ёзув йўллари” номли имло асари ҳам “Битим йўллари” замирида яратилган. Элбек бу асарида кўпроқ имло масалаларига эътибор берган.

Чигатой гурунги аъзолари ўз фаолиятлари давомида ўзбек тилидаги унли ва ундош товушлар, ўз ва ўзлашган сўзлар имлоси, йўғонлик ва ингичкалик қонуниятлари масалалари устида

изланишлар олиб бордилар. 1921 йилда Элбек таърифи билан айтганда “ёлғузгина бир уймоқнинг ўзига тегишли саналган имлосида ўқиб ёзишлари ҳамда шу имло ва тилни ялпи шу халқнинг ўзига қабул эттириш” [8.3] мақсадида ўтказилган Тил ва имло курултойида ҳарф ва имло қоидалари борасида кўпчилик тилшунос олимларнинг кенгаши билан янги қарорлар қабул қилинди. Курултой қарорларини амалга ошириш учун тузилган комиссиянинг раиси Элбек янги имлони мактабларда тезлик билан жорий этиш мақсадида “Ёзув йўллари” сабоқлигини тузиб тарқатди. Бу асар 20-йилларда имло турлилигича чек қўйиш, катъий ёзув қоидадини ўрнатишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

“Битим йўллари”га ҳамоҳанг тузилган Элбекнинг бу қўлланмаси қуйидаги жиҳатлари билан ундан фарқ қилади.

- “Битим йўллари” ўқитувчиларга қўлланма сифатида яратилган бўлса, Элбекнинг “Ёзув йўллари” мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган. Ушбу асарда ўша даврда турк ва татар сабоқликларида анъанага айланган ўтилган мавзуларга оид саволлар қисми ҳам ўрин олган.

- “Битим йўллари”да сўз туркумлари, отларда бирлик ва кўплик каби масалалар ҳам ёритилган. Элбек қўлланмаси бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлганлиги учун уни имло қоидалари акс этган сабоқлик тарзида тузади, шу сабабли “Битим йўллари” даги каби грамматикага оид назарий масалаларга тўхталмаган.

- Элбек “Ёзув йўллари”ни 1921 йилги курултой тўхтамларига мувофиқлаб тузганлиги учун унда “Битим йўллари”даги каби “Ёт ҳарфлар”, “Арабча отлар” каби арабий сўзлар имлосига бағишланган мавзулар йўқ.

- “Ёзув йўллари”да қоидалар, изоҳлар бирмунча мукаммал ишланган. Уларда илмийлик кўзга яққол ташланади. Масалан, “Битим йўллари” да унли товушларга шундай таъриф берилган: “Бор” деганда яна икки турли товуш чиқарамиз: бошда дудокларимизни ёпиштурамиз, сўнгра тилимизнинг учини ўйнатамиз. Бу икки турли товушнинг суратлари “б” ва “р” ҳарфларидир. Лекин бу икки ҳарфнинг орасида шу “о” шакл

бордир. Шу шакл бўлмоғонда “б” ҳарфини “р” ҳарфиға ёпиштуруб “бир” дер эдик. Бу ерда “о” шаклини кўргач “б” ҳарфини “р” га ёпиштирмасдан бурун устга чўзамиз. Демак, “о” шакли ўзидан олдин келган ҳарфни устка чўздуря экан. Бунинг оди “чўзги ҳарфи” дир [2.20, 4-6].

3-4 йил давомида товушлар борасида яхшигина изланишлар олиб борган Элбек ўзининг мустақил илмий хулосаларига таянган ҳолда унлиларга кенг ва аниқ таъриф берган: “Кул”, “қол”, “кел” деганимизда биринчи “кул” сўзидаги “к” товушлиқининг илгарига чўзилгонлиғин, “қол” деганимизда “қ” товушлиғининг устга чўзилгонлиғин ҳамда “кел” деганимизда “кел” сўзидаги “к” товишлиғининг остиға чўзилгонлиғин кўрамиз. Мана шундай товушлиқларнинг ўз айтилишидаги товушларидан ортиқроқ товуш билдиришиға сабаб бўлган товушлиқларға “товушлиқ чўзғулари” ёхуд ёлғузча “чўзғи” деб айтиладир. Чўзғиларнинг чўзилишда ўзларига тегишли аптлари бўлсада ўқулишда товишларин сақлаёлмайдилар. Ёлғуз ўзларидан бурун келган товишлиқларнинг чиқоргон товишларига кўшулуб, уларға кўмак берибгина турадилар [8.12, 7-6].

“Битим йўллари”да “*атф сизаси*”, “*одот*” каби арабча грамматик терминлар қўлланилган (ушбу терминлар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам ишлатилганлиги маълум). Элбек ўз асарида буларнинг ўзбекчаларини топиб ишлатишға ҳаракат қилади. Масалан, “одот” ўрнида “**қўшимча**” терминини қўллайди. “Битим йўллари”даги “**товуш ҳарфи**” ни ихчамлаштириб “**товушлиқ**” тарзида ишлатади. Элбек шу асосда сабоқликни соддалаштиради.

Фитрат, Элбек, Қаюм Рамазонлар бу имло сабоқликларини тузишда ўша даврдаги Валидий Ж., Иброҳимов О., Хусайн Жоҳид, Иброҳим Ҳалилий, Нажиб Осим каби олимларнинг татар ва усмонли турк тили грамматикасига оид дарсликлари билан яқиндан танишганлар. Айниқса, Олимжон Иброҳимов [4.6], Жамолиддин Валидий [4.5], Фотиҳ Сайфиларнинг татар тилиға бағишланган сарф ва наҳв асарларидан намуна сифатида фойдаланганлар,

назарий масалалар ҳамда илмий грамматик терминларни ишлатиш борасида ҳам уларга таянганлар. Бунинг асосий сабаблари бор, албатта. Элбек бир мақоласида ўзбек билим ҳайъатига қозонлик Фотиҳ Сайфининг келиши билан тўхтаб ётган ишлар жонланиб кетганлигини ёзган эди. (Элбек ўзининг энг биринчи ўқиш китобини ҳам Фотиҳ Сайфининг кўмаги билан тузган). Бундан кўринадики, Фотиҳ Сайфи ва шу каби Ўзбекистонга келиб фаолият кўрсатаётган А.Садий, Ш.Аҳмадий каби татар зиёлилари ўз тажрибаларини ўзбек тилшунослари билан ўртоқлашганлар, улар татар олимларининг тил борасидаги назарий фикрларни тарғиб қилиб, тил қонун-қоидаларини тузиш, тил сабоқларини яратиш, атамаларни белгилаш ишларига ўзбек олимларига кучли таъсир қилганлар (ўзбекча грамматик терминларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганганимизда бунга кўпроқ амин бўлдик). Масалан, татар тилшуноси Н.Ҳакимнинг “Имло масаласи” [1.58], “Турк тилларининг қонунларини тузишдаги асослари” [1.60], “Ўзбек тили сарфи тўғрисида” [1.62], А.Садийнинг “Турк тилларининг қонун-қоидаларини ўрганиш ҳам тузишда асослар” [1.82] каби мақолаларида ўзбек тилига доир муҳим назарий фикрлар билдирилган. Айниқса, А.Садий ва Н. Ҳакимнинг ўзбек тил сабоқларига ёзган танқидий мақолалари катта аҳамиятга эга эди. Масалан, А.Саъдий “Ёзув йўллари” га бағишаб ёзган “Танкид” мақоласида [1.84] ўзбек мактабларида имло масаласининг бир йўлга қўйилишида бу асарнинг ғоят катта аҳамият касб этишини айтиб, Элбекнинг хизматларини тўғри баҳолайди. Шу билан бирга асардаги таърифларнинг ифода услуби, терминларнинг қўлланилиши, мавзу учун берилган машқларнинг талаб даражаси борасидаги камчиликларни ўринли кўрсатиб ўтади. Аҳамиятли илмий-услубий кўрсатма ва маслаҳатлар беради.

1921 йил Тил ва имло қурултойида зарур қарорлар қабул қилинган, ҳарф, имло масалалари секин аста изга туша бошлади.

Тилшунослар олдида турган асосий муаммолардан бири ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратиш эди. Шу муносабат билан Туркистон маорифи комиссарияти ҳузурдаги билим кенгаши шу

хусусда мубоҳаса очади. Рус профессорлари Е.Д.Поливанов, Д.Шмидт, С.Фалевлар билим юртларидан таклиф қилинган А.Бойтурсунов, А.Саъдий, Н.Ҳаким каби қозоқ, татар ҳамда бир иккита ўзбек тилчиларининг иштирокида ўтказилган биринчи кенгашда қозоқ тилшуноси А.Бойтурсуновнинг қозоқ шевалари учун тузган сарф ва наҳви [4.3] тўғрисида профессор С.Фалев, иккинчи кенгашда “Турк тилларининг сарф-наҳвларин тузишда асослар” мавзуида профессор Е.Д.Поливанов, учинчи кенгашда “Турк тилларининг қонун ва қоидаларин ўрганиш ҳам тузишда асослар” мавзуида А.Саъдийнинг маърузалари тингланган. (Бу профессорларнинг маърузалари ҳамда Н.Ҳакимнинг бу мавзулар бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари кейинчалик “Инқилоб” журналининг айрим сонларида [1.82, 1.60, 1.61, 1.68] босилиб чиққан).

А.Саъдийнинг маълумотига кўра кенгашда икки масала кўп мунозараларга сабаб бўлган. Булар:

“1.Турк тилларининг қонун ва қоидаларини қатъий бир тартиб остига олиб тузишда бошқа оилаларга мансуб бўлган тилларнинг қонун-қоидаларига эргаштирув, улардан ўрнак олув ва ёндаштирув мумкинми?

2.Турк тилларини табиати ва руҳларига мантикий сарф, наҳв тузилиши мувофиқми? Ёхуд шаклий (формальная логическая грамматика) сарф, наҳвми?” [1.82].

Бўлиб ўтган кенгашларда ўзбек тилининг грамматикасини тузишда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида аҳамиятли фикрлар билдирилган. Бундай муҳим фикрлар А.Саъдий мақолаларида кўпроқ кўзга ташланади. Олим энг аввало бир тилнинг қонун-қоидаларини суриштириш, ўрганиш ҳам шуларни маълум ва қатъий бир тартиб остига олиб, мактабларда ўқитишдан асосий мақсад нима деган саволни ўртага ташлаб, унга ўзи қуйидагича жавоб беради: “Тилнинг ясалиши ва табиатига, руҳига тушуниш, тилнинг ҳаёт томирларини белгилаб, шуларнинг саломатлигини таъминлаш, фикр ва муҳокама бойлигин қозониш, руҳан юксалиш, тил воситаси билан шу халқнинг бутун аҳволи руҳиясига, бутун ичкари

хусусиятларига тушуниш, тилнинг тараққий доирасин ва бойлигининг ўлчовини белгилаш, шу тилда сўйлашувчи халқ ўз орасида энгил ва тез онглаш ҳам кенг равишда ҳаёл ва туйғуларин онглашиш йўллари очув, бошқа тиллар баробариндаги вазиятин, турмушин ҳам олар билан қарама-қарши муносабатларин бир-бирисига маъно топширув жиҳатларин белгилаш ҳам шуни энгиллатишдир” [1.82, 24-6]. А.Саъдийнинг бу фикрлари нафақат ўша давр тилшунослари учун, балки бугунги кун тадқиқотчиларимиз учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Е.Д.Поливанов ўз маърузасида “Ўзбек ва умуман бутун турк шеваларининг сарф ва наҳвлари тузилганда рус тили билан қиёс қилиб бориш йўлини тутиш ёки бу сарф ва наҳвларда муҳим нуқталарда рус сарф наҳв қоидалари билан чоғиштирила бориш, икки тил орасидаги ойирма ва яқинликни кўрсатиш бек матлуб ҳам фойдали бир нарса ” [1.82, 32-6] деган фикрни билдиради. А.Саъдий олимнинг бу фикрларига бутунлай қарши чиқиб, рус ва ўзбек тилининг бир-биридан фарқли жиҳатлари кўп эканлигини таъкидлайди (бу фарқларни олим ўз мақоласида бирма бир кўрсатиб ўтган). У шу кунгача турк шеваларида тузилган сарф, наҳвлар (бунда усмонли турк, татар, қозок, ўзбек тилларидаги айрим дарсликлар кўзда тутилган) рус, араб тилларига тақлид туфайли ўз руҳ ва табиати тилаган мантиқий сарф-наҳв эмас, балки турк тиллари учун бегона бўлган шаклий сарф-наҳвлар майдонга чиқиб қолаётганлигини куюниб ёзади. Бу сарф-наҳвларнинг туркий тил гавдасига нисбатан жуда тор ўлчанган, бошлари узилган, кесилган, тил вужудига кийдириб бўлмайдиган даражада яроқсиз кийимлар каби бўлиб қолганлиги, бу билан шу тилдаги сўзларни тинимом таҳлил қилиб бўлмаслигини айтади. Бундай сарф-наҳвлар мактаб ўқувчиларининг тил дарсларидан бездириб қўяётганларини ҳам таъкидлайди. Олим ўзбек тилининг сарф-наҳвини тузишда мана шундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида Хусайн Жоҳид, Олимжон Иброҳимов каби турк ва татар олимларининг тадқиқот ва тажрибаларидан намуна олишга чақиради, улардан ижодий фойдаланишни тақлиф қилади. А.Саъдий сўзларни

туркумларга ажратиш, феъл нисбатларини белгилаш, гапларни бўлақларга ажратиш борасида ўзининг мустақил фикрларини билдирар экан, тилни тадқиқ этишда асосий эътиборни шаклий томонга эмас, балки кўпроқ мантиқий томонига қаратиш лозимлигини таъкидлайди. А.Саъдийнинг ёзишича, ўзбек тилининг грамматикасини тузишга чақирилган профессорлар ўзбек, турк, татар тилларини билмаганликлари туфайли улар учун кенгашга таржимонлар ҳам чақирилган эди. Элбекнинг “Турк тилларининг қонунлари тўғрисида мулоҳазалар”[8.15] мақоласи мана шу ўтказилган кенгаш муносабати билан ёзилган бўлиб, унда олим ўзбекча бир калима билмасдан унинг грамматикасини тузмоқчи бўлган бу профессорларни қаттиқ танқид қилади, тил учун қоида тузиш иши унинг буткул руҳи билан танишган ва шу тилда сўзлайдиган кишиларгагина тегишли эканлигини таъкидлайди. Элбек яна бир мақоласида “кўрмаган ернинг чуқури кўп” деган мақолни келтирар экан, бу билан тилимизни тўлиқ билмайдиган олимлар қанча уринмасинлар, ҳеч қачон унинг мукамал грамматикасини ярата олмайди деган хулосага келган [8.29]. Элбекнинг бу фикрини қўллаб-қувватлаган А.Саъдий ҳам “тилимизнинг сарф-наҳвларин ўзимиз тузиб юзага чиқариш ишига ўзимиз жиддий суратда тутиниш керак. Йўқса тилимизнинг руҳ ва табиати билан яхши таниш бўлмаган одамлар умумий тил илмида олим бўлсаларда, бизга тилимизнинг табиат ва руҳига тамом мувофиқ сарф, наҳв тузиб бергуси ё тузиша олгуси эмаслар” [1.82, 30-б] деб ёзганди.


Тилшуносларимиз орасида илмий кучларнинг камлиги, назарий билимнинг етишмаслиги туфайли сарф-наҳв асарларини яратиш бирмунча қийин кечди. Масалан, 1923-йилда Шокиржон Раҳимий ўзининг “Тилимизни бир қоида остига олайлик” [1.78] номли мақоласида 13 йиллик тажрибасига таяниб, Элбек, Рамз, Неъмат Ҳаким, Ғози Олимларнинг маслаҳат ва кўмаги билан ўзбек тилининг сарф ва наҳвини тузишга киришганлиги, сарф қисмини ёзиб тайёрлаганлиги ҳақида ёзади. Бироқ, бу иш тугалланмай қолиб кетган шекилли, Шокиржон Раҳимий қаламига мансуб “Сарф”

асарини шу вақтгача учратмадик. Унинг 1924 йил нашр этилган “Катталар йўлдоши” [2.12] номли қўлланмаси эса Элбекнинг “Ёзув йўллари” сабоқлиги каби имло қоидаларидан баҳс этувчи асардир.

Шу йили Қўқонда А.Зоҳирий ҳам ўзбек тилининг грамматикасига оид қўлланма яратганлиги ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Бироқ бу асарнинг тақдири бизга номаълум.

Элбек ўзбек билим ҳайъатида ишлаб юрган чоғларида илмий кучларни тўплаб, керакли ўқув қўлланмаларини туздириш ва нашр эттириш ишлари билан шуғулланди. У ўзбек тилининг грамматикасини тузиш учун тажрибали илмий кучларни тўплаш мақсадида матбуот саҳифаларида “Ўзбек халқининг илмий кучларининг диққатига” каби мурожаатлар билан ҳам бир неча бор чиққан эди. Ён атрофдан бирор садо чиқмагач, бу масалада устози Фитратга мурожаат қилади (Элбекнинг ўзи шунинг учун бир неча бор Бухорога бориб келганлиги ҳақида маълумотлар бор [8.19]). 1925 йилга келиб Фитрат “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба бўлган “Сарф” ва “Наҳв” асарларини ёзиб, ўқувчиларга тақдим этди. Шу йили Мунаввар Қори, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазонларнинг 3 қисмдан иборат [2.3, 2.4, 2.5] “Ўзбекча тил сабоқлиги” нашр этилди. Ўзбек тилининг грамматикасига бағишланган бу бошланғич қўлланмалар 30-йилларга қадар қайта қайта нашр этилиб, ўқувчиларнинг тил қоидаларини ўрганишларида катта ёрдам берди.

Мунаввар Қори, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазонлар “Ўзбекча тил сабоқлиги”ни тузишда татар тилшунослари томонидан яратилган “Тил сабоқлари” [4. 12] асарларини асос қилиб олдилар. Тил қоидаларини яратиш, терминлар қўллашда тўлиқ уларга таяндилар. Фитратнинг “Сарф”, “Наҳв” асарлари эса тузилиши, тил қоидаларининг изоҳланиши жиҳатидан ҳам улардан жуда катта фарқ қилади. Фитрат назарий масалаларда, термин қўллаш, қоидаларни белгилаш борасида мустақил таклифлар билан чиқа олган. У айрим олимларга ўхшаб қоидаларни тилга мослаб эмас, балки тилнинг табиатига таяниб қоидалар яратишга уринди. Шу сабаб ўзбек тилшунослари орасида юқори мавқени эгаллади.



Фитратдан кейин ўзбек тили грамматикасини тузиш борасида Қаюм Рамазон ўз хизматлари билан кўзга ташлансада, кўп ўринларда рус тилшунослиги таъсирида иш кўрганлиги туфайли у яратган қўлланмалар ўзини оқламади.

Ўзбек тили грамматикасига оид асарларнинг юзага келиши билан тилшунослик терминлари ҳам шакллана бошлади.

Бизга маълумки, XI асрдан буён тилни илмий асосда ўрганишга киришган туркий олимлар араб тилшунослари томонидан ишлаб чиқилган грамматик концепцияларга таянган ҳолда тадқиқот олиб борганлар ва грамматик терминлари ҳам айнан улардан олганлар (“Девони луғатит турк”, “Аттуҳфа”, “Муқаддиматул адаб” каби тилшуносликка оид асарлар фикримиз далилидир).

XX аср бошига келиб ўзбек халқи учун мустақил бир тил ва шу тилда ёзилган билимни кўрмоқ учун “билим сўзлари” яъни истилоҳлари (Фитрат) зарурлигини пайқаган тилшунослар арабий истилоҳлар ўрнига туркий муқобиллар излаб топишга ҳаракат қилдилар. Ўзбек тилини илмий-адабий тил даражасигача юксалтиришни мақсад қилиб олган бу маърифатпарвар инсонлар “араб тили илмий тил, уни ўзгартириш мумкин эмас, арабий истилоҳларнинг туркчалари йўқ, турк сўзлари истилоҳ учун ярамайди” дегувчи кимсаларга қарши курашиб, ўзбек тилида илмий терминлар яратиш мумкинлигини ўзларининг амалий фаолиятлари давомида исботладилар.

1920 йилда бошланғич синф ўқувчилари учун тузилган “Сабоқ тузуги” [2.1] ҳамда 1923 йил “Маориф ва ўқитғучи” журналида чоп этилган “Ўзбек билим юртлари учун она тили ва адабиёт прўғроми” [1.83] каби ўқув дастурларини кўздан кечирганимизда *исм, сифат, сон, олмош, феъл, қўшимча, бирлик, кўplik, бўлишли ва бўлишсиз феъллар, туб ва ясама сифатлар, бош ва эргашувчи бўлақлар, уюшгон жумла, эга, ҳукм, байликлар, ёрдамликлар, имлоқлар, сўз тоқилмалари, томомлик, ёлғузлик, исм, кўмаклик исм, қайд, тугаллик, ойирғич, бириккан гап, бўлма гап, далил гап, тизма гап* каби терминлар қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Бу дастурлар татар зиёлилари А.Саъдий, А.Муродлар томонидан тузилган. Татар

тилшунослиги 1910-1920 йилларда анчагина шаклланиб, ўзларининг атамалар тизимини яратишга эришган эдилар. Юқориди санаб ўтилган терминларнинг барчаси О.Иброҳимов, Ж.Валидий, Б.Чўпонзода, А.Файзхон, Ш.Бектўра каби татар ва Қрим татар олимларининг илмий изланишларининг маҳсули бўлиб, Фитрат, Элбек, Қ.Рамазонлар ўз тил сабоқларини тузишда бу терминлардан тўғридан тўғри фойдаланганлар. Маъқул бўлганларини айнан ўзлаштирганлар. Шу сабабли ўзбекча тилшунослик атамалар тарихи ҳақида фикр юритганимизда, асосан, татар тилшунослигининг самарали таъсирини қайд қилиш лозим бўлади.

Бизга маълумки, Элбек илмий ҳайъатда ишлаб юрган чоғларида мактаб ўқувчилари учун турли фанларга оид ўқув қўлланмаларини туздириб, уларни нашр эттириш иши билан машғул бўлди. Дарсликлар тузишга киришган муаллифлар илмий атамалар борасида кўп қийналар, турли мунозаралар авжига чиқар эди. Бунга сабаб мавжуд атамаларнинг араб, форс, рус тилига оидлиги, ўзбекча атамаларнинг ҳали шаклланмаганлиги эди. Элбек бу қийинчиликни бартараф этиш мақсадида 1923 йилдан бошлаб иқтисодиёт, риёзат, кимё, адабиёт, тиббиёт, тилшунослик соҳаларига оид атамалар устида изланишлар олиб борди. Ўзбек илмий терминологиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Олим форсча, арабча ўрнида туркий муқобил атамаларни тўплаб, уни “Луғат ва атамалар” номи билан матбуотда чоп этди. Бу “Луғат ва атамалар”да қуйидаги лингвистик терминлар тизими берилган:

Туркий	Ўзга
ўзак	модаи асли
негиз	асос
белги	аломат
қўшимча	одот
сон	адад
олмош	замир
ишлик	феъл
атама	истилоҳ
сўйлам	жумла

кесим	хукм
туртки	нуқта
ёй	қавс
сўроғ	савол
апт	шакл
бичим	форма

Элбек бу терминларнинг кўпчилигини туркий тиллардан улги олиб, маъқул бўлганларни ўзбек тилида ҳам шу ўринларда қўллашни таклиф қилиб чиққан.

20-30-йиллар матбуотини синчиклаб кўздан кечирганимизда тил масалаларига бағишланган мақолаларининг асосий қисми Элбек қаламига мансублигини кўрамыз. Тилшунос бу мақолаларида тилнинг назарий масалалари ҳақида фикр юритар экан, зарур ўринларда турли лингвистик терминларни қўллайдики, уларнинг кўпчилиги ўқувчиларимизга нотанишдир.

Гарчи Элбек Фитрат, Қ.Рамазон каби ўзбек тили грамматикасига оид асарлар эълон қилмаган бўлса-да, ўзбекча лисоний атамалар тизимининг шаклланишида алоҳида хизматлари бор. Биз Элбекнинг ана шу хизматларини кўрсатиш учун унинг асарларида қўлланган атамаларнинг келиб чиқиш манбаларини ўргандик. Бугунга қадар қўлланилиб келаётган айрим атамаларнинг тарихини ёритиш мақсадида ўзбекча грамматик терминлар муаммоси масалаларига яна бир бор тўхталдик.¹

Чўзғи ва товушлиқ. Чўзғи (баъзи ўринларда чўзғи) термини биринчи бор “Битим йўллари” [2.20,3-б]да қўлланган. Элбек “**чўзғи**” ни шундай изоҳлайди: “Етти чўзғи деган нарсамиз وىىىى و (қиска) чўзгилари бўлиб, булардан و қалин ўтру, و ингичка ўтру аталадир. Буларнинг ҳар бирларининг хизматлари бир ҳарфларни сўнғига келиб, они олға чўзмокдир” [8.3].

¹ Л.В.Решетованинг диссертацияси [5.6] ўзбек тилининг грамматик терминологиясини ўрганишга бағишланган бўлса-да, 20-30-йилларда истемолда бўлган кўпгина терминлар эътибордан четда қолган. Бунга сабаб олима факат ўқув дарсликларида қўлланилган терминларнигина тадқиқот объекти қилиб олган, айрим қўлланма, рисола, мақолалардаги терминлар эса ўрганилмай қолган.

Маълумки, чўзиқлик унлиларни ундошлардан фарқлаб, ажратиб турадиган энг асосий белгилардан биридир. Чунки унлилар талаффуз қилинганда огиз бўшлигида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ундошлар талаффуз қилинганда эса огизнинг бирор ерида тўсиққа учраб, товуш бироз ичга тортилади (шунинг учун татар тилшунослари ундошни **тортиқ** деб атаганлар). Тилшуносларимиз унли товушларнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиб, “**чўзғи**” терминини қўллашни маъқул топганлар, ундош ўрнида эса улар татарлар каби “**товуш ҳарфи**” терминини қўллаганлар. Кейинчалик Элбек бу терминни ихчамлаштириб “**товушлиқ**” тарзида қўллай бошлади: “Кишининг оғзидан чиқибда ёзилгонда ўзига тегишли апт (шакл) ва товушга эга бўлгон нарсага товишлиқ деб айтиладур” [8.12, 5-6]. А.Саъдий ушбу “**товушлиқ**” терминининг қўлланилишига бутунлай қарши чиқиб, Элбек асарига ёзган танқидий мақоласида шундай фикр билдирган эди: “Товуш деб ҳар нарсадан чиққан жаранглашга айтилиб, бу умумийдир. Аммо киши оғзидан чиққан жаранглаш эса товуш дейилишданда “овоз” ёки “ун” дейилиши маъқулдир” [1.84].

“**Товушлиқ**” ва “**чўзғи**” атамалари ўша даврда кўпчиликка маъқул бўлмаган, шу сабаб бу даврда “**товушли – товушсиз, хуруфе самт – хуруфе сайт**” [2.2], “**сўзғич-қисқа**” [1.82], “**чўзғи – чўзғисиз**” [2.12], “**чўзиқ- тортиқ**” [1.60] каби хилма хил терминлар қўлланилганлигини кўрамыз. 1925-йилларда нашр этилган ўқув қўлланмаларида Фитрат, Мунаввар Қори, Қ.Рамазон, Ш.Зуннунлар терминлар бирлигини сақлаш мақсадида фақат “**чўзғи**” ва “**товушлиқ**” сўзларини ишлатганлар [2.17, 2.3].

Қардош туркий тилларда фонемалар тизимининг икки гуруҳи (унли, ундош) учун термин танлашда уларнинг асосий фарқли белгиларини ифодаловчи коррелятив муносабатдаги сўзлардан фойдаланганлар. Масалан, дастлаб турклар товушларнинг акустик белгисига (яъни, овознинг иштирокига) кўра “**сайт**” (голосистий), “**самт**” (молчаший) каби терминларини қўллаганлар. Кейинчалик уни туркийлаштириб “**унли-унсиз**” билан ўзгартирганлар. Озарбайжонча **сесли, сессиз**, татарча “**соғлом, соғир**” (бу термин

маълум вақтга қадар қўлланган), қозоқча “**товушли-товушсиз**” кабилар ҳам “**унли- унсиз**” таъсирида юзга келган терминлардир. Татарлар эса товушларнинг айтилиш усулини эътиборга олиб “**сўзиқ-тортиқ**” каби қарама-қарши маъноли сўзларни термин сифатида танлаб олганлар.

20-йилларда қабул қилинган ўзбекча “**товушлиқ**” ва “**чўзги**” атамаларининг бир томондан у қадар илмий асосга эга эмаслиги, иккинчи томондан туркий халқларнинг бу ўринда қабул қилинган атамалари андасасига тўғри келмаслиги сабаб тилшуносларимиз орасида уларни ўзгартириш фикри туғилди. 1925-йил 29-ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган тилшунослар кенгашида Ғози Олим тарафидан “бутун турклар учун бир турли атама қабул қилинсин, атамалар фақат турк сўзларидан олинсин” деган таклиф киритилган эди. Шунга асосланиб, олимларимиз усмонли турклар тарафидан қабул қилинган **унли**, **унсиз** атамасини қўллашни мувофиқ топдилар. 1926-йилда Қ.Рамазон таҳрири остида қайта нашр этилган “Тил сабоқлиги”да “**чўзги**, **товушлиқ**” атамалари “**унли**, **унсиз**” билан тузатилди [2.8]. 1930-йилга келиб эса булар ўзлашиб улгурмасдан яна ўзгартирилди. Тилимизни рус тили қонун-қоидалари асосида изоҳлай бошлаган олимларимиз 1938-йилда “**унсиз**” термини ўрнида “**согласный**” сўзидан калькалаб олинган “**ундош**” терминини қўллаш бошладилар.

Рус тилидаги “**гласный, согласный**” терминлари аслида латинча “**vokalis**” (звучный, звонкий) ва “**consonans**” (созвучный, подходящий) сўзларидан калькалаб ясалган бўлиб, Е.Д.Поливанов улар ҳақида фикр юритар экан, унли ва ундошлар бир-бирларидан акустик ва физиологик белгиларига кўра фарқланса-да, айрим жиҳатлари билан ўзаро яқин туришларини, шунинг учун бу товушлар ўртасига қатъий чегара қўйиш (ёки уларни бир бирига зид қўйиш) мумкин эмаслигини ёзади [2.7, 113-б]. Олим овоз миқдорининг тадрижий ортиб боришига аҳамият бериб н, м, нг, л, каби сонорларни унлиларга яқин турувчи ундош сифатида талқин этади. Сўз таркибида бўғинлар сони унлиларнинг сонига қараб эмас, балки айрим ўринларда (масалан, “**жизнь**” сўзининг икки,

“министр” сўзининг уч бўғинга ажралишида) ундошлар орасида ун миқдорининг юқорилиги билан бўғин ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган (яъни слогаобразующий) сонорларнинг ҳам роли борлигини билдиради. Е.Д. Поливанов қолган ундошларни ҳам овоз миқдорининг иштирокига кўра даражалаб, қуйидаги тартибда кўрсатади: “...талаффузда ҳаво оқими тўхтаб чиқадиган ундошлар (бунда портловчилар назарда тутиляпти) ҳаво оқими узлуксиз чиқадиган ундошлардан (сирғалувчи демोकчи) бироз жаранглидир. Шундай қилиб, жарангсиз ундошлар ичида (p)-(f) дан, (t) - (s) дан, (k)- (x) дан жаранглироқ; жарангли ундошлар ичида (b) – (v) дан, (d) – (z) дан (g) – (k) дан жаранглироқ [2.7, 114-б].

Демак, рус тилшунослари ундошларнинг айтилиш усули (бу бурун ва сирғалувчи ундошларда кўринади), ун миқдори (жарангли ва жарангсизлик) CVCC, CCVCC қолипидаги бўғин ҳосил қилиш хусусиятларни (сонорларда) ҳисобга олиб, унлиларга яқин турувчи товушлар маъносидаги “согласный” терминини олганлар.

О. Бозоров “Ўзбек тилида даражаланиш” [5.3, 248-б] номли монографиясида товушларнинг пайдо бўлиш ўрни, усули, акустик белгиларига кўра даражалаб ўрганар экан, ўзбек тилшунослигида фонемалар тизимини унли ва ундошга ажратилишида “а) овознинг миқдорига; б) ҳосил бўлишда тўсиқнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига; в) бўғин ҳосил қилиш хусусиятига” асосланганлигини, бу тасниф моҳиятан тўлиқ бўлмай, аслида, ушбу тасниф “унли – сонор - ундош” тарзида ҳам амалга оширилмоғи кераклигини уқтиради. Бунда “унли-сонор-ундош” дея ундошдан сонорни ажратиш моҳиятан тўғри бўлмайди, чунки рус тилидан тилшуносларимиз билиб - билмай қабул қилган ундош термини товушларнинг градуал оппозицияси асосида унлиларга қиёсан белгиланган бўлиб, у ўзида **сонор-жарангли-жарангсиз** каби кетма-кет товушлар тизимини бирлаштиради (ундош сўзнинг луғавий маъноси унлиларга яқин келувчи товушлар демакдир). Шунинг учун О.Бозоров фонемалар мажмуасини градуал оппозиция асосида тасниф этганда, овознинг озайиб, шовқиннинг

кўпайиш даражасини унли - сонор - жарангли - жарангсиз тартибида кўрсатса, тўғри бўларди.

Рус тилшунослари гласный, согласный терминларини жуда асосли равишда ўйлаб қўйганлар. Бу атамалар рус тили товуш фонемаларининг хусусиятларига тўла мос келади. Бироқ ўзбек тилидаги ундош товушлар шовқиннинг устунлиги билан рус тилидаги ундошлардан фарқланади. Шунинг учун бўғин тузилиши ҳам CV, VC, CVC каби содда кўринишга эга. Гарчи тилимизда (ўзлашган сўзлардан ташқари) CVCC қолипидаги бўғин мавжуд бўлса-да, уларда кўшимча қўшилганда ҳам, таркибидаги сонорлар алоҳида бўғин ҳосил қила олмайди. Масалан, са-бр-ли, ми-сл-сиз каби арабча ўзакли сўзларда сонорлар бўғин ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлса-да, туркий **тўрт-та, торт-ди, турк-лар, орт-ди** каби сўзлар фақат икки бўғинга ажралади. Демак, “ундош” термини тилимиздаги товуш хусусиятлари моҳиятини ўзида ифода эта олмайди.

Элбек ва унинг ҳамкасблари бирор ҳодиса ёки тушунчага термин танлаганда, унинг энг характерлайдиган белгисини асос қилиб олишга ҳаракат қилганлар. Бизнингча, ҳозирги ундош ўрнида тилшуносларимиз томонидан қабул қилинган унсиз (унсиз-шовқинлига ишорадир) термини ўзбек тилининг товуш хусусиятларига мос келади. Шунинг учун бу терминнинг қайта тикланиши тарафдоримиз.

Уст, ост, ўтру. Арабча касра, фатҳа, замма терминларидан калькалаб олинган “уст”, “ост”, “ўтру” терминлари 20-30 йиллар давомида унлиларни таснифлашда ҳам, унлиларнинг ўзини номлашда ҳам жуда кўп қўлланилган. Айниқса, Элбекнинг товушларга бағишланган мақолаларида шу атамаларни учратамиз: “Аслини суриштирганда бизнинг тил кўпрак, балким бутунлай остига тугалиш борадир яъни, ўтруга (و) қарши қисақа остга (ع) молелик зўрдир” [8.23]. “Сўзларимиз уст ва остига чўзилиб айтилгандек ўтру, яни қаршига ҳам чўзилиб айтилади” [8.23].

Араб ёзувида қисқа унлилар “касра”, “замма”, “фатҳа” терминлари билан номланувчи ҳаракатлар билан ифодаланади. Бу

атамалар ўзбекчалаштирилган “ост”, “уст”, “ўтру” шаклида эски имло даврида (1910-йилларда) кириб келган бўлсада, 1918-йилдан сўнг, янги имло қоидаларига биноан ҳар бир унли учун алоҳида ҳарфлар қабул қилинди. Унли товушлар ёзувда ҳарфлар билан ифодалана бошлагач, “ост”, “уст”, “ўтру” атамаларининг қўлланилишига эҳтиёж қолмагач, бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди.

Қўшимча ва унга муқобил ишлатилган атамалар

Кўпгина усмонли турк олимлари қаторида М.Абдулқодирий (турк тилшуноси) ўзининг “Қавоиди лисони туркий [4.1] асарида сўзларни “исм, сифат, замир, феъл, одот” каби туркумларга ажратади. Олим “одот” туркумига боғловчи кўмакчи, юклама, келишик қўшимчалари, сўз ясовчи қўшимчалар (умуман аффикслар)ни киритади ва унга қуйидагича таъриф беради: “Одот - мустақил бир маъни ифода этмаюб, дигар калимларнинг ёрдамила хусусий маънолара далолат эдарлар” [4.1, 43-б].

“Одот” асли арабча сўз бўлиб, тегишлилик таркибий қисм, носита каби маъноларни англатади [6.5]. Демак, усмонли турк тилшунослари араб тили грамматикасидаги “одот” термини билан ёрдамчи сўзлар, аффикслар ҳамда айрим модал сўзларни атаганлар. Чунки улар мустақил маъно англатмайди, фақат сўз ва гапларни бир-бирлари билан муносабатга киритади, сўзлар таркибига қўшилиб қўшимча маъно ифода этади.

Ўзбек тилшуноси Фитрат ўзбек тили имлосига бағишланган “Ўйим йўллари” асарида келишик қўшимчалари, сўроқ юкламаси (-ми), шакл ясовчи қўшимчалар (-дек, -дай, -ча) ҳақида фикр юритар экан, уларни усмонли турк тилшунослари каби “одот” термини билан атайди [2.20]. Элбек эса бу ўринда “қўшимча” терминини қўллайди: “Қўшимча деб ёлғузликда кишига бир нарса англатмагон сўзларга айтиладир: -да, -га, -ға, -дан, -нинг, -ни, -дир каби [8.12, 17-б]. Элбек тарафидан ўзбек тилига киритилган “қўшимча” термини бошда фақат келишик қўшимчалари ва айрим аффиксларни англатган бўлса, кейинчалик қўлланилиш доираси

кенгайиб, умумий равишда сўз таркибига қўшилиб ёзилувчи аффикс маъносида ишлатила бошлади. Демак, ҳозирга қадар қўлланилиб келаётган **қўшимча** термини арабча “**одот**” сўзининг восита, таркибий қисм деган маънолари асосида белгиланган ва 30-йиллардан бошлаб ҳозирги аффикс маъносида қўлланила бошлаган. Бу термин барқарорлашгунга қадар тилимизда турли хил атамалар тартибсиз равишда ишлатилган. Масалан, “Имло асослари” [2.2, 9-б]да келишиқ, кўплиқ қўшимчалари “**улашма сўз**” термини билан аталган. Элбек ўзининг тилшуносликка оид мақолаларида “**қўшимча**”, “**белги**” (бу арабча аломат демақдир) билан бир қаторда татарлар томонидан юнонча **аффикс** асосида белгиланган “**ёлғов**” терминларини ишлатган: “Тилимиздаги кўб сўзлар эшитилишларга қараб ясолғон ва олингон сўзлар бўладир, буларнинг кейинларига белгилар – **қўшимчалар** қўшмоғон чоқда ёлғиз эшитилиш чоғидаги кишига берган сезгисига маъноси онгланадир” [8.23].

Элбекнинг ўқитувчилар учун тузган “Бошланғич мактабда она тили” номли методик қўлланмасида “**журноқ**”, “**тиркалғич**” каби терминлар ҳам учрайди: “**Журноқ, тиркалғичлар** тўғрисида янги режа, ясама сўзларнинг **журноқлари**, уларнинг ўзгаришлари ҳам ёзилишлари” [8.21, 10-б]. Элбекнинг бу асари қозоқ шоири ва адиби М. Жумабоевнинг худди шу номдаги қўлланмасининг таржимаси бўлиб, тилшунос таржима давомида уни бутунлай ўзбек тилига мослаштиришга ҳаракат қилган. Юқорида келтирилган сўзлар эса аслида қозоқча бўлиб, А.Бойтурсунов ўзининг “Қозоқ тилининг сарфи” сабоқлигида “**тиркалғич**” атамасини аффикс маъносида, “**журноқ**”ни эса сўз ясовчи қўшимча маъносида қўллаган [4.3]. Ўзбек тилшунослигида бундай терминлар бўлмаганлиги сабабли Элбек уларни ўз ҳолича қўллайди. “**Журноқ**” термини кейинчалик нашр этилган айрим мақолаларда қўшимча маъносида ҳам қўлланилган. Масалан, “Шунинг учун биз бу хусусда қарор чиқордиқ ва дедикки, эски **жўрноқлар** (суффикслар) ўзидан бурунғи масдарнинг охирида товишга эта турғон таъсири эътибор қилинмайдир” [1.91].

Н.Ҳаким, Е.Д.Поливановлар эса аффиксларни мустақил сўзларга бирикиб, туташиб келиш хусусиятларини ҳисобга олиб “туташма” [3.6, 13-б] ёки уларнинг сўзга қўшилиб, маъноларини турландиргувчи хусусиятларидан келиб чиқиб “турлик” [1.62, 3.6] терминлари билан номлайди ва буларни параллел равишда қўллайди: “Туб сўз билан туташма (турлик) га бир босим (ударение) бўладир: “уй-лар”, “ота-лар” дегандек каби” [3.6, 48-б].

Айрим тилшунослар эса татар тилшунослигидаги тўлдирувчи маъносида ишлатилган “**томоглиғ**” терминини қўшимчаларни қўллаш учун қўлаганлар. Масалан, “Ҳозирча сифатни ифодаловчи -лик, -лиқ ўрнида -ли томоглиғи олинсин..., -ш томоглиғи исм маъносида сақлансин” [1.91]. Бизнингча, тилшуносларимиз бу атамани қўллашда қўшимчаларнинг сўз охирига қўшилиб, маънони бутунлаш, тамомлаш хусусиятларини эътиборга олган бўлсалар керак. Бироқ бу терминларнинг бирортаси тилда ўринлаша олмади. Чунки бу терминлар қўшимчаларнинг маълум бир хусусиятларинигина ифода этади. Масалан, “**турлик**” терминини турловчи ва тусловчи қўшимчаларга нисбатан ишлатиш мумкин. Бироқ бошқа қўшимчалар турлаш вазифасини бажармайди. “**Тамомлиқ**” терминини сўз охирига қўшилувчи қўшимчаларга нисбатан ишлатиш мумкин. Бироқ сўз бошида келувчи но-, бо-, бе- каби қўшимчаларга нисбатан бу терминни қўллаб бўлмайди.

Сўз таркибига қўшилиб, унга қўшимча маъно юклаш барча аффиксларга хос хусусиятдир. Шунинг учун Элбек ташаббуси билан истеъмолга киритилган “**қўшимча**” термини тезда оммалашиб кетди ва у ҳозирга қадар тилшунослигимизда истисноларсиз қўлланилиб келинмоқда.

Энди “**келишик**” ва унга муқобил тарзда қўлланилган терминлар тўғрисида ҳам қисқагина тўхтаб ўтиш лозим.

XX аср бошларида тилни илмий асосда тадқиқ этишга киришган айрим туркий тилшунослар келишик қўшимчаларини янги тили грамматикасидаги “эроб”ларга қиёслаб изоҳлаганлар. Масалан, А. Файзхон “Саволларнинг бошқа бошқа бўлувиндан исемларнинг охирина саволга мувофиқ турли одотлар туташиларка

ўша одотларнинг ҳар қаюси исмларнинг маънилариин бошқарталар, ўшандай одотларни эроб деб тавсия қиламиз” деб ёзади ва фоил (шогирд), музоф (шогирди), маъфул ба (шогирдни), мафъул ма (шогирд билан), мафъул мина (шогирддан), мафъул фиа (шогирдда) каби эробнинг турини санаб ўтади.

Усмонли турк тилшуноси Аҳмаджон Раҳим, татар тилшуноси Шавқий Бектўралар ҳам келишиқ кўшимчаларини эроб асосида тушунтирадилар, бироқ улар бу кўшимчаларни А.Файзхон каби “эроб” термини билан эмас, балки туркий “тортувчи ҳарфлар” (бу термин арабча “харфе жар” атамасидан калкалаб олинган) ва “булиш” [4.4, 9-б] терминлари билан номлайдилар.

Айрим тилшунослар эса рус тилидаги падежни тўғридан тўғри туркий тилга тадбиқ этиб, “падеж” терминининг “падение”, “сгибание”, “флексия”, “склонение” каби маънолари асосида келишиқ кўшимчалари учун “букма”, “букилма”, “эгилма”, “сиқилма” каби янги атамаларни ижод қилганлар ва бунинг учун яхшигина танқидга ҳам учраганлар.

Ўзбек тилшунослари эса А.Файзхон, А.Раҳим, Бектўра бошқа тиллар таъсирига берилиб қатор хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Шунинг учун Элбек келишиқни “кўшимча” термини билан номлади. Фитрат ва Қ.Рамазонлар эса ўз сабоқликларида бу ўринда белги (арабча аломат терминининг таржимаси) терминидан фойдаландилар.

Бу даврда чоп этилган айрим тилшуносликка оид мақолаларда келишиқ кўшимчалари усмонли турк тилидагидек “эроблар” [1.122, 51-б] ва “изоҳот кўшимчалари” [1.125, 31-б] терминлари билан аталади. Н.Ҳаким эса ўзбек тилшуносларига бу ўринда “тушум” (рус тилидаги падеж сўзидан калкалаб олинган) терминини қўллашни тавсия этган, кўпгина мақолалари орқали бу атамаларни тарғиб ва ташвиқ қилган.

Бироқ тилшуносларимиз татар олимлари тарафидан белгиланган “келишиқ” терминини қўллаш маъқул келади ва 1928-йилдан бошлаб “келиш”, 1932-йилдан бошлаб эса “келишиқ” [2.16, 94-б] шаклида қўллай бошладилар. Бизнингча,

Ўзбек тилшунослари бу терминни танлашда қўшимчаларнинг таъкирбидаги муносабатни юзага чиқариш хусусиятларини ҳисобга олганлар.

Атама. Бу термин 1922 йилдан бошлаб ўзбек тилшунослигида қўлланила бошланган: “Дин ва мухташар муҳитларнинг таъсири билан шу тилимизга мухталиф луғатлар, истилоҳлар (атама) кириб ўринлашди” [1.87]. Унга қадар “истелоҳ” ишлатилган бўлиб, Фитрат мақолаларида бу ўринда “билим сўзлари” бирикмаси ҳам қўлланилганлигини кўраимиз: “Тилимизда ёзилган билимни кўрмак учун “илмий истилоҳлар” дедикмиз “билим сўзларининг” ҳам илкимиздан келганча туркчаларини топиб олмоқ йўлинда тиришмакни ҳар бир турк ёзғувчиси учун вожиб деб биламан” [1.109]. А.Саъдий эса 1923 йилда тузган ўқув дастурида [1.83] ва айрим илмий мақолаларида “атақ” сўзини қўллайди.

“Истелоҳ” сўзи арабча бўлиб – умум томонидан келишиб қабул қилинган шартли сўз, махсус ифода деган маъноларни англатади. Терминларни туркийлаштиришга киришган татар тилшунослари ана шу истелоҳ сўзи англатган маънога таяниб “махсус аталган сўз”, “атақ сўз” маъносидаги атама терминини истеъмолга киритганлар. Татарлар томонидан қабул қилинган бу термин Элбекка ҳам маъқул келганлиги сабаб уни ўзбекча матнларда қўллашни таклиф қилади. Ўзбек тилшунослигида “атама” биринчи бор Сирожий томонидан қўлланилган бўлса-да [1.87], Элбекнинг ташаббуси билан бу сўз адабий тида ўринлашиб қолди. Чунки тилшуноснинг “Луғат ва атамалар” номи билан эълон қилинган ўндан ортиқ мақоласи атама сўзининг матбуотда оммалашувиға сабаб бўлди.

Имлоқ. Элбек “Тилимиздаги ёнглишиқлар” номли мақоласида “имлоқ” атамасини ишлатади: “Бизда кўпинча бундай сўзлардан феъл ёсолғонда имлоқнинг кетига келтириладурғон “р” ҳарфининг ўрниға “л” келтириб, тиқирлар сўзининг ўрниға тиқиллар ҳолида бир сўз келтириб қўядирлар” [8.23].

“Имлоқ” термини ҳам татар тилшунослари томонидан белгиланган бўлиб, О.Иброҳимов ўзининг “Сарф” асарида

одамларнинг туйғуларини англаувчи ох, уф..., ҳайвонлар учун қўлланиладиган но, бури-бури, кучи-кучи..., жонсиз предметларнинг сссс, пшшш, ҳайвонларнинг мяв, вов кабиларини шу термин билан атайди.[4.6]

Элбек “тақ, шақ, қарс” каби тақлидий сўзлар ҳақида фикр билдириш зарурияти туғилганда, ана шу “имлок” терминини қўллаган. Бироқ, бошқа ўзбек тилшунослари асарларида бу термин учрамайди.

Ўзбек тилшунослари Фитрат, Элбек, Қ.Рамазонлар тил қонуниятларини тадқиқ этиш борасидаги илмий тажрибаларининг ортиши билан термин танлашда мустақил тақлиф билан чиқа бошладилар. Улар бу борада кўпроқ татар олимларидан ўрнак олдилар. Масалан, О.Иброҳимов арабча “масдар” терминининг имлоси ва маъноси ёт бўлиб қолганини ҳисобга олиб, уни истъомолдан чиқаради ва ўрнига “ўртоқ феъллар” атамасини киритади. Олим келмоқ, ўқиш, оқартув каби сўзларни (булар ҳозир феълнинг вазифа шаклларида ҳаракат номига киради) “ўртоқ феъллар” термини билан аташига сабаб бўлган нарса “Буларнинг бир замонга, бир сонга, бир тебатга, кўринишига хос бўлмоғи бир формасининг ҳаммаси учун ўртоқ юрувидир”, деб кўрсатади [4.6, 29-б].

Ўзбек тили масалаларига бағишлаб ёзилган айрим мақолаларда “ўртоқ феъллар” термини қўлланилган бўлсада [1.82], Элбек тил сабоқликларида, луғат асарларида бу ўринда “ишоти” терминини бир йўсинда қўллаб, уни барқарорлаштирди. Масалан: Ёлчи, ёлчимоқ, ишотидан, буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги. Ёлчимоқ: эркин ва паравон яшамоқ, таъмин бўлмоқ, мол билан таъминланмак [8.32, 71-б].

Демак, “ишоти” термини Элбекнинг ташаббуси билан тилимизда 1923-йилдан қўлланила бошлаган бўлиб, у кейинчалик ҳаракат номи атамаси билан ўзгартирилган.

Ўзбек тилшунослигида мустақил равишда юзага келган терминлардан яна бири “кесим”дир. Чигатой гурунги аъзолари ўзларининг илк бор яратган “Сабоқ тузиги”да гапнинг бош

булакларини ифодалаш учун татар тилшунослари қабул қилган эга, ҳукм терминларидан фойдаланганлар[2.1, 14-6]. Терминлар борасида изланишлар олиб бораётган Элбек ўзининг “Луғат ва атамалар” мақоласида биринчи бор арабча “ҳукм” ўрнида “кесим” сўзини қўллашни (“кесим” аслида “ҳукм” сўзининг туркий таржимаси) маъқул кўради. Тилшуносларимизга “кесим” жуда маъқул келди, шекилли дастлаб Фитрат асарларида (1925 йил), сўнграқ бошқа қўлланмаларда бу термин тобора оммалаша борди. Олимларимиз туркий халқларда атамалар бирлигини сақлаш аниқлигига риоя қилиб, “кесим” ўрнида татарлар каби “ҳукм” сўзининг ўзини сақлашлари, ёхуд қозоқлар каби русча “сказуемое” терминидан таржима қилинган “баёндовуш” кўринишидаги атама қабул қилишлари мумкин эди. Бироқ, улар атама белгилашда тилимизнинг ўзига хос ички хусусиятларига, уларнинг кўпроқ маъно томонларига эътибор бердилар. Масалан, инглиз, рус, араб тилларида кесим кўпинча гапнинг ўртасида (яъни эгадан сўнг) баъзида охирида келиши мумкин. Бироқ туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида кесим доимо (шеъриятдаги инверсияни назарга олмаганда) гапнинг охирида келади. Яъни бу булакнинг келиши билан фикр тугалланади, гап кесилади. Фитрат ўзининг “Наҳв” дарслигида кесимни шундай таърифлаган эди:

1-Кушлар боғчада сайрайдир.

2-Чўлпон яқинда бир шеър ёзди, деймиз, англатормоқчи бўлғонимиз “фикр”ни тугаллатамиз, “гап” тугаладир, сўз кесиладир. Гапнинг тамомлатиб, сўзнинг кесилгани шул “сайрайдир” ҳам “ёзди” сўзлари билан бўлди. Шунинг учун юқоридаги икки охиридан “ёзди”, “сайрайдир” сўзларига “гапнинг кесим сўзлари” ё соддача “кесим” деймиз [2.18, 7-6].

Демак, бу булакнинг келиши билан фикр мантиқан тугалланади (чунки туркий тилларда кесим мутлақ ҳоким булак ҳисобланади). Грамматик жиҳатдан гап кесилади. Тилшуносларимиз бу булакнинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб “кесим” атамасини қўллашни маъқул топганлар.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, Элбек ва унинг издошлари атама танлашда учта асосий тамойилга амал қилган:

1. Атамаларни соф туркий сўзлардан танлаб олганлар;

2. Уларнинг содда, аниқ ва тушунарли бўлишига ҳаракат қилганлар;

3. Танланган терминлар тил ҳодисасининг моҳиятига тўла мос келишини таъминлаганлар.

Шу сабабли улар истеъмолга киритган атамаларнинг кўпчилиги ҳозирга қадар тилшунослигимизда истисноларсиз ишлатиб келинмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган масалаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқардик:

-20 йилларда тилшунослар ўзбек тилининг назарий грамматикасини тузишга киришдилар. Элбекнинг “Ёзув йўллари” сабоқлиги имло масаласига бағишланган бўлиб, у бу босқичдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Элбек ва унинг ҳаммаслаклари ўзбек тилининг қонунқоидаларини араб ёки рус тили грамматикаси асосида эмас, балки шу тилнинг ички хусусиятлари асосида ёритиш кераклигини тушундилар. Шунинг учун асосий эътиборни тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ва шевалардан материал тўплашга қаратдилар. Тўпланган материалларни илмий жиҳатдан тадқиқ эта бошладилар.

Элбек ўзбек тили грамматикасини тузишга Оврўпа ёки рус тилшунос профессорларини эмас, балки тилнинг буткул руҳи билан таниш бўлган ва шу тилда сўзлайдиган кишиларнигина муносиб кўради. Олим тилимизнинг руҳ ва табиати билан яхши таниш бўлмаганларнинг, унга мувофиқ грамматика тузиб беришларига сира ишонмайди. Ўзбек миллатининг соф илмий грамматикасини яратувчи ўзбек тилшуносларининг етишиб чиқишига умид қилади.

Элбек ўзбек тилининг илмий терминологик тизимини шакллантириш йўлида бор иқтидорини ишга солди. Тилшунослик соҳасида “кесим”, “ишоти”, “айнама товушлиқлар”, “қўшимча” каби қатор терминларни муомалага киритди.

Ҳарф ва имло масалалари. Алифбо ислохотлари

Элбек 20-йилларда араб алифбосини ислох этиш, ўқувчиларнинг энгил савод чиқаришлари учун энг қулай имло қоидаларини яратиш ишларида фаол қатнашди.

Бу даврда имло масаласида қуйидаги оқимлар мавжуд эди:

1. Ҳеч бир усулга ва қоидага риоя қилмасдан қадимий имло асосида ёзмақ тарафдорлари бўлмиш қадимчилар;

2. Туркий сўзларни усули савтия (товуш усули) асосида ёшитилганча, арабий сўзларни эса ўз имлоси билан ёзмақ тарафдорлари;

3. Туркий ва арабий сўзларнинг ҳаммасини товуш усули ёзмақ тарафдорлари;

4. Туркий тилимизда ёт бўлган ҳарфларни бутунлай чиқариб, араб сўзларини ҳам ўз товушларимиз билан ёзмақ тарафдорлари;

5. Араб ҳарфларини бутунлай ташлаб унинг ўрнига лотин ёзувини қабул этмақ тарафдорлари.

М. Шермуҳаммадга ўхшаш айрим шахслар эса буларнинг ҳамасидан воз кечиб, ўзи яратган “12 шакл орқали 24 ҳарф ифодаланувчи, шарқ ва ғарб хатларидан устун, ўн кун ичида савод чиқариш имкониятини берадиган” алифбосини қабул қилишни тарғиб этади ва илмий ҳайъатдан бу борада кўмак сўрайди. Илмий ҳайъат раиси Элбек ўзининг “Алифбо масаласи” [8.6] мақоласи орқали М.Шермуҳаммад фикрларини рад этиб, ўзбек халқининг саводини чиқариш учун араб алифбосини ислох этиш асосида тилимизнинг товуш хусусиятларига тўла жавоб берадиган миллий алифбони туғдириш ва ундан фойдаланиш энг қулай йўл эканлигини таъкидлайди.

Элбек янги имло тарафдорларини қўллаб-қувватлар экан, уларнинг айрим камчиликлари борлигини кўрсатади. Масалан, Фитрат бошчилигидаги Чигатой гурунги аъзолари 6 унлини қабул қилдилар, сўзларни йўғон ва ингичкага ажратиб ёздилар, ундош ва унлилар учун алоҳида ҳарфлар қабул қилдилар, алиф ўрнида ҳамза ишлата бошладилар, шу билан бирга улар ёт ҳарфлар отида араб, форс, рус сўзларида ишлатиладиган ص ص ظ ع ص ص ҳарфларни ҳам

имлода сақлаб қолиш таклифи билан чиқдилар. Элбек билан бир қаторда айрим зиёлилар ҳарфий ортиқчаликдан қутилиш, ўқувчиларга энгиллик туғдириш мақсадида бундай бошқа тил фонемаларини кўрсатишга хизмат қилувчи ёт ҳарфларни бутунлай алифбомиздан чиқариб ташлашни таклиф қилади. 1921-йил тил имло курултойида бу таклиф Эшонбек, А.Авлонийлар томонидан қувватланиб, “ҳарфлар сони 23, чўзгилар 6 бўлсин, тилимизга кириб қолган ёт сўзлар ўз ҳарфларимиз билан ёзилсин” деган [2.14] қарор қабул қилинди. Бироқ А.Зоҳирий, М.Қори, Азизий, Сайидалилар ушбу қарорга тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар. Курултойдан кейин ҳам улар ўз билган имлоларида ёзиб, мунозараларни давом эттирдилар. 1923 йил Тошкент ўзбек маориф-маданият ходимлари йиғинида М.Қори, Ш.Раҳимий, Ш.Эҳсон, Элбек аъзолигида ҳайъат тузилиб, ўзаро низоларни бартараф этиш мақсадида “... мактаблар ва мактаб китобларидан чиқарилган ёт ҳарфлар матбуот, мактаб китоблари ҳам мактаб таълимотларида ... ёт сўзлар чўзгилар билан бузулиб ёзилурлар, бундан арабча бутун жумлалар ва муқаддас сўзлар мустасно” [1.36] деган қарор қабул қилинди.

Неча марта ислоҳ қилинмасин 12 аср илгари кириб қаттиқ ўрнашган араб алифбоси асосида мукамал ўзбек ёзувини шакллантириш ғоят қийинлигини англаган зиёлилар 1926 йил лотин алифбосига ўтиш билан бу муаммоларни бартараф этдилар. Янги алифбо Марказий кўмитасига саркотиб вазифасига тайинланган Элбек янги ўзбек ёзувининг орфографик қоидаларини ишлаб чиқишда ҳам ўз хизматларини аямади.

Олим лотин алифбосини айнан эмас, балки ўзбек товушлари талабларига жавоб берадиган, техник ва таълим ёғидан қулай бўлган шаклларда ўзгартириб олиш тарафдори сифатида қуйидаги таклифлар билан чиқди:

“1. j, i каби нуқтали ҳарфлар техник ёқдан ярамайди. Шунинг учун j ўрнида у (бу белги ингичка унли сифатида алифбодан чиқариб ташланганди) ни олиб, i ни эса нуқтасиз I шаклида олмоқ керак.

1926 йил лотин ёзувига ўтиш ҳаракати бошланган бир пайтда сингармонизмга асосланган тўққиз унлини барча турк жумҳуриятлари қаторида ўзбек тилшунослари ҳам қабул қилдилар.

Унлилар устида изланишлар олиб бораётган Элбек тўққиз унлини қабул қилишни маъқул кўрса-да, тилимиз хусусиятлари яхши текширилганда, уларнинг ҳам озлик қилишини ёзади. Олим а, э, о, ө, у, и, і, ь е унлилардан ташқари қага, ата, ана, сўзларининг биринчи бўғинидаги “а” учун (бу кирилл ёзувидаги “о” га тўғри келади); дана, алим, Таһир сўзларидаги чўзиқ “а” учун; bilim, tilim сўзларининг биринчи бўғинидаги қисқа “и” учун; sijla, suv сўзларидаги –ij, -uv дифтонглари учун алоҳида унлилар белгилаш зарурлигини айтади (татар тилшуносларидан “ўнчилар” тарафдорлари – uv ва -ий дифтонгларини унли ҳисоблаб, улар учун алоҳида ҳарфлар белгилаганлар. Элбек ҳам уларга эргашиб бу товушларни унли сифатида санаб ўтган). Элбек ўзбек ёзуви учун дастлаб 14 унлини белгилашни маъқул кўрса, яна бир ўринда уларнинг сонини 16 та қилиб кўрсатади. Бунга сабаб Элбек фонема билан товуш вариантларини бир-биридан фарқламайди. Ёзувимизнинг мукамал бўлиши учун ҳар бир эшитилаётган товушга алоҳида ҳарф белгилаш лозим деб ўйлайди. 30-йилларда бундай қараш кўпчилик тилшуносларимизда бўлган. Масалан, Ғози Олим “Ўзбек тилининг товушлари” [1.138 54-6] мақоласида унлиларни 12 та кўрсатса, яна бир ўринда 29 та, улардан асосийларини 22 та деб кўрсатади.

Е.Д.Поливанов. Боту, Ё.Омонлар эса сингармонистик ва носингамонистик шевалардан таркиб топган ўзбек тили учун 6 унлини белгилаш зарурлигини таъкидлайдилар. Ҳатто Фитрат ҳам “Имло конференцияси муносабати билан” номли мақоласида [1.113] 9 чўзғининг омма саводхонлигига зарар келтиришини, бу оғирликдан воз кечиш зарурлигини ўз вақтида айтиб ўтганди. Бироқ “Мутшарак алифбо” дан четга чиқмаслик, бошқа туркий тиллар билан алифбо бирлигини сақлаш мақсадида 9 унли қабул қилинди. Бир-икки йилнинг ичидаёқ сингармонизмга асосланган бу имлонинг савод чиқаришда кўп қийинчиликлар туғдираётгани

маълум бўла бошлади. Ўз хатоларини тушунган тилшуносларимиз 1933 йилда унлиларни қисқартириш, алифбони қайта ислоҳ қилиш зарурлигини англадилар. Элбек ҳам тилимизда сингармонизм ҳодисасининг преогрессив (йўқолиш) ҳолатида эканлигини, муштарак алифбодаги йўғон ва ингичка жуфтликлардан иборат унлилар бизнинг тилимизда у қадар рол ўйнамаслигини тушуниб етди. У “чўзғиларни кўпайиши билан биздаги айрим товуш хусусиятларини сақлаб қолиш билан бирга ўзимизни қийин ҳолга қўйғон ва ҳатто бир сўзнинг ҳар бир бўғини учун ҳам айрим чўзғилар қабул этишга мажбур бўлғон бўламиз, аксини ишлаганимизда бу нарсадан энгил қутила ва тилимизни бундан энгил бўшата оламиз” [8.31] деб ёзаркан, Ш.Раҳимий, Ғ.Олимлар билан ҳамфикрликда таълимда энгиллик туғдириш мақсадида э, у, ө, ь белгиларини ташлаб, о, и, і, е, а, каби беш унлини қолдириш керак деган таклиф билан чиқади.

Бизга маълумки, 20-йилда ислоҳ қилинган араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида 1 ҳарфи йўғон “а” товушини, ҳозирги кирилл алифбосидаги “о” товушини ҳамда араб, форс тилларидан ўзлашган олий, оила сўзларидаги чўзиқ “о” товушини ифодалаш учун қўлланилган. • эса фақат юмшоқ “а” товушини ифодалувчи ҳарф сифатида белгиланган. Элбек эса мана шу товушларнинг ҳаммасини жамлаштириб, лотин ёзувидаги а билан ифодалаш лозимлигини билдиради. Бунинг қуйидаги сабаблари бор эди:

1. Араб ва лотин алифбосидаги ўзбек ёзувларида қаттиқ ва юмшоқ (а- ә) “а” товушларини фарқлаш сақланган бўлиб, бу зиддият Ҳ. Неъматов таъкидлаганидек [3.5, 37-б] ўзбек тили учун хос бўлмаган, бу бошқа туркий тиллар (аниқроғи татар тили) таъсири остида киритилган, шунинг учун Элбек қаттиқ ва юмшоқ “а” ни ёзувда фарқлашдан воз кечиш керак деб ўйлайди.

2. Ўзбек шеваларида “а” ва “о” нинг тарқалиш ва қўлланилишида Ҳ. Неъматов айтганидек [3.5 37-б] катта фарқ бўлган. Маълум бир шеванинг иккинчи бир шевага таъйиқини кучайтирмаслик учун Элбеклар ярим лабланган “о” товушига махсус белги қабул қилмаганлар. Аммо Е.Д. Поливанов, Б.Қориев

Ё.Омоновлар 5 эмас балки ўзбек адабий тилининг асосий таянч диалектларидан бири бўлган Тошкент шеvasини асос тутиб, 6 унлини ёқлаб чиқдилар. 1934 йил январь ойида бўлиб ўтган имло ва терминология курултойида “э” ва “а” товушлари маъно ясашда рол ўйнаганлиги учун баъзи ўринларда, яъни шаклдош сўзларга айланиб кетадиган сўзларда “э” ва “а” ҳарфларини алоҳида унли сифатида сақлаб қолиш маъқул кўрилди. 1940-йил ўзбек халқи лотин графикаси асосидаги ёзувдан рус графикаси асосидаги ёзувга ўтгач, ўзбек ёзувида “о” фонемаси мустақил товуш сифатида киритилиб, олти унли қатъий қоида сифатида қабул қилинди.

Ўз ва ўзлашган сўзлар имлоси масаласи

Элбек ўзбек тилининг имло қоидаларини белгилашда тилимизнинг миллий хусусиятларига алоҳида эътибор берди. У сўзларнинг халқ тилида айтилишини асос қилиб олган ҳолда имло қоидасини тузиш тарафдори бўлди. Элбекнинг “Имло масаласи” [8.2] “Тилимизда янгилишиқлар” [8.23] (бу олти мақоладан иборат), “Яна тил, имло масаласи тўғрисида” [8.25], “Мана бу жуда тўғри” [8.26], “Тил, атама ва имло баҳслари” [8.29] мақолаларида худди шу масала ҳақида фикр юритилган.

20-30-йилларда матбуотда имло ўзбошимчалиги ўта юқори бўлган. Масалан, сўзлар “ўзбек”//“ўзбак”, “берк”//“бек”, “хогун”//“хотин”, “довуш”//“товуш”//“товвиш”, “дала”//“тола”, “ёрим”//ярим каби бир неча шаклда ёзилган. Элбек бу каби сўзларнинг қатъий имлосини белгилашда унинг этимологиясини ўрганadi¹ ва шу асосда иш кўради. Масалан: “ўзбек” сўзи *ўзи бек* каби икки сўзнинг бирикишидан ясалган, шунинг учун уни “ўзбак”

¹ Элбек ўзининг луғатшунослик фаолияти давомида кўпгина сўзларнинг этимологиясини билан қизиққан ва бу борада илмий изланишлар олиб борган. Масалан, олим “Чирчик” сўзига шундай изоҳ беради: “Чирчик” “Сирчик” деган сўзнинг ўзгарган шакли бўлса керак, чунки бу дарё Сир дарёсига бориб қўшилади. Иккисининг орасидаги масофа ҳам кўп узок эмас. “Сир” сўзининг “чир” шаклига айланиши иккинчи бўғиндаги “чик” қўшимчасининг рўли натижасида бўлгандир деб биламан. Чунки бундай ҳол тилимизда кўп учрайди ва ҳатто бу тилимизнинг хусусиятларидан биридир, масалан, “соч”//“чоч”, “сичқон”//“чичқон”, равишда қўллашимиз каби. Кўпинча “с” товуши “ч”га алмашади ва айниқса кичрайтириш қўшимчаси бўлгон “чик”, “с” ни “ч” га ўзлаштирилишида яна ҳам катта рўл ўйнайдир. Бу ҳолда “Чирчик” “Сирчик” яъни кичкина Сир деган сўз бўлиб чиқади [7.5, 209-6]. Олимларимиз ҳозир ҳам “Чирчик” ни кичик сир дея тушунтирадилар.

дсб ёзиш ва талаффуз қилиш мутлақо ярамайди. “Бек” (яъни ёпиқ) сўзининг асл ўзаги, Элбекнинг таърифича, маҳкамламоқ маъносида бўлган бир-бир кетган масдаридан олинган “берк” сўзи бўлиб, уни шу шаклда олиш керак. “Борадиган”, “ёзадирғон” сўзлари таркибидаги -диган, -дирғон, -турғон сўзининг бузилган шакли бўлиб, уларни “боратурғон”, “ёзатурғон” шаклида тўғирлаб ёзиш керак. -дирғон, -турган, -дирган шакллари Элбекнинг фикрича тилимиздаги янгилишликлардир [8.23].

“Хотун”, “очик”, “ёпиқ”, “сотук”, “тешук”, “эшук” сўзларининг иккинчи бўғинидаги у ҳарфи ортиқчалиқдир. Бизнинг тилимизда “ўтруга (و) қарши қисқа остга молелик зўр” [8.26]. Шунинг учун бу сўзларни шеваларда айтилишини асос қилиб хотин, очик, ёпиқ, сотиқ, тешиқ, эшиқ тарзида ёзиш керак. Элбекнинг текширувиغا кўра бизда “д” ҳарфи билан сўз айтишдан кўра “т” билан сўз айтиш кўпроқ. Шу сабаб тоғ // доғ, томор // домор, тош // дош, товуш // довуш сўзларининг биринчи шаклини олиш тўғри бўлади [8.23].

20-30 йилларда имло қоидаларини белгилашдаги энг мунозарали масала сингармонизм масаласи эди.

Туркий тилларда сингармонизм ҳодисаси борасида биринчи бор Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк” асарида сўз юритилган. 1860 йиллардан бошлаб еса рус туркологлари томонидан ўрганила бошланган. Татарлар учун кирилл алфавити лойиҳасини тузишга киришган Ильминский туркий тилларда рус тилига мос келмаган бир алоқа устунлигини англаган, яъни унли ва ундошлар баъзи сўзларда ингичка бўлишини фаҳмлаган [4.2,148-6]. Шундан сўнг туркий тилшунос олимлар туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусияти бўлган бу сингармонизм ҳодисасини турлича талқин қилган. Масалан, усмонли турк тилшунослари сўзларнинг йўғон ва ингичка бўлишини ундош товушлар белгилайди, деган фикрда бўлганлар, шунинг учун улар ундошларни “хуруфи сақила” (яъни, йўғон товушлар: ج ح ص ض ظ ط ع غ ق) ва хуруфе хафифа (яъни, ингичка товушлар: ا ب ت ج ح د ذ ر ز س ش ف گ ک ل م ن و ه ا ب ت ج ح د ذ ر ز س ش ف گ ک ل م ن و ه ا ب ت ج ح د ذ ر ز س ش ف г к л м н о в) га ажратганлар. Унлиларнинг йўғон ва ингичка бўлишини эса

сүз таркибидаги ундошларга боғлаб куйидагича тушунтирганлар: “Харфларнинг (ундошларнинг) ўқилиши баъзиси қалин ва баъзиси ингичка ўлдиғина ва ҳаракатлар (унлилар) эса харфларга тобе бўлдиғина кўра туркчанинг ҳаракате табиийси сакиздир: و ا ی ؤ [4.1,9-6].

Шоҳид Аҳмадиев каби айрим татар тилшунослари сўзнинг йўғон ва ингичка бўлишини фақат ундошларга боғлаб кўрсатади. Шунинг учун улар унлиларни 5 та қилиб белгилайдилар, ҳар бир “йўғон” ва “ингича” ундош товушлар учун эса араб алифбосидаги харфлар асосида алоҳида харфлар белгилаб олишни таклиф қилади.

Бироқ, 1914 йил Закариё Садриддинов ва унинг тарафдорлари тилдаги сингармонизм ҳодисасини унлилар бошқаришини исбот этишга ҳаракат қилади. Улар 10 унлидан иборат янги алфавит лойиҳасини тузиб, “бешчилар” (беш унлили ёқловчи кишилар) га қарши “ к ва қ, г ва ғ ундошларидан бошқа ёт харфлар асосида белгиланган қалин ундошларни алифбодан чиқариб ташлашни талаб қила бошладилар. Татарлар орасида бундай мунозаралар 1925 йил лотин алифбосига ўтгунга қадар давом этди.

О.Иброҳимов бошчилигидаги “ўрта имло” тарафдорлари эса сингармонизмни айрим унли (•) ва ундошларга (ح ك گ غ ق) боғлаб талқин этадилар [4.6, 26-6]. Фитрат, Элбек, Қ.Рамазонлар ҳам О.Иброҳимов фикрларига эргашган ҳолда сингармонизмни куйидагича таърифлайди: “Сўзлайтурғон сўзларимнинг қайсилари айтилишда “қалин”, қайсилари эса “ингичка” эшитиладирлар қолди, келди, ўқудим кулдим, югурар... каби. Бу сўзнинг қалин ёхуд ингичка сўзлар учун белгиланган товушлиқ ҳамда товушлиқ чўзгилари бордир. Шул белгулардан бири бир сўз орасида келса ул белги қалин сўз белгиси бўлса, шул сўз қалин, ингичка сўз белгиси бўлса, шул сўз ингичка бўладур. Бизда қалинлик белгилари товушлиқлардан (ح غ ق) дир; чўзгилардан ёлғиз сўзнинг бош бўлақда келмак шарт билан қалин уст чўзги (•) дир. Ингичкалик белгилари товушлиқлардан (ك گ), чўзгиларидан сўзнинг биринчи бош бўлағида бўлмақ шарт билан ингичка уст (•) билан қалин ост) (•) дир [8.12, 13-6].

Бу таърифдан шу нарса маълум бўладики, Элбек сингармонизм ҳодисасини сўзнинг ўзак ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашуви эканлигини тўғри англаган.

Фитрат “Бизнинг шаҳарларимиз юзлаб йиллардан бери араб, форс адабиётининг ҳукми остида яшайдир. Шунинг учун бизда шаҳар тили бузилгандир. Тилимизнинг соф шаклини даладаги эл уймоқларимиздан кўра оламиз” [2.17, 5-6] деб ёзган эди. Элбек устозининг бу фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзбек миллий адабий тилини қишлоқ шевалари асосида шакллантириш, имло қоидаларини ҳам барча туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусияти бўлган сингармонизм асосида белгилаш ғоясини илгари суради. Тилшунос араб, форс тилларидан ўз имлоси ва талаффузини сақлаган ҳолда ўзлашган сўзларни тилимизга туркий қоида сингармонизмга бўйсундириб қабул қиламиз, агар улар маъно тарафидан ўзгариб кетса (макотиб-макатиб, қалам-қолом, китоб-китаб каби), у ҳолда бу сўзларни ташлаб, уларнинг унутилган шаклларини қайта тиргизамиз (ёзоқ, ёзғич, битиг каби) деган фикрни билдиради [8.3].

Элбек тилимизга кириб қолган бутун ёт сўзларни талаффуз ва ифода қонуниятларимизга мослаштириб ёзишни тилимизнинг талаби деб билади. Олим араблар *генерал, чин, география* сўзларини *жинерал, син, жузрофия* шаклида бузиб олган эканлар, биз ҳам қўрқмасдан ўзлашган сўзларни туркча учун тузилган қоида остига оламиз” [8.3] дейди.

30-йилларга келиб тилимиз анча ишланди. Адабий тилга халқимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ шевалари эмас, балки, марифат, маданият, илм-у фан, матбуот маскани, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг маркази бўлган шаҳар шевалари асос бўлди. Рус олими Е.Д.Поливанов: “Русияда сиёсий, иқтисодий марказлик ўрнини тутқон Масков тили ҳам шу рўлни ўйнайди. Иқтисодий марказлик қилғон ўрин руҳоний жиҳатдан ҳокимлик қилиб, унинг тили адабий тил ўрнин тутадир. Шунинг учун Масков тили руслар учун адабий тил саналиб, рус зиёлилари қоидагина бўлсалар шул Масков шевасинда сўйлаб ёзалар. Ўринлардаги

овозларда айирмалиқлар бўлсада, олар аҳамиятли даражасида кўп бўлмайди.

Ҳозирги турк халқларининг ҳар шеvasи айрим миллат бўлиб, ерли маданият тузиб бирлашиб ётадир. Бу тил албатта марказда сўйлана тургон равишларнинг бирисин қабул этиш равишида ҳал этилгусидир” [3.7, 39-б] деб башорат қилган эди. Ҳақиқатданда шундай бўлди. Фитрат, Элбеклар сингармонизм қонуниятини қанчалик ёқлашга уринмасинлар, тил ўзининг табиий тараққиёт ҳукмининг устунлигини кўрсатди.

1921 йил тил имло қурултойида тилимиздаги йўғонлик ва ингичкалик қоидаси кўриб чиқув учун махсус комиссияга топширилган бўлсада, янги имло тарафдорлари Фитрат, Элбек, Қайюм Рамазонлар дарс сабоқликлари, имло асарларини тузишда бу қоидани эътиборга олдилар. Улар муҳаррирлигида чиқадиган “Туркистон”, “Маориф ва ўқитғувчи” каби газета ва журналлар ҳам бир неча йил ана шу имло асосида нашр этилди (“Фарғона”, “Шарк ҳақиқати” газеталари бундан мустасно эдилар).

1929-йилга келиб тилшуносларимизнинг изланишлари, текширувлари натижасида бу масала атрофида айлангувчилар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи сўзларни “мумкин қадар” сингармонизм қоидасига бўйсундириб, қолганларини эшитилганича ёзиш тарафдорлари бўлмиш “истисночи” – Боту, Ёқуб, Омон, А.Алвийлар, иккинчиси тилимиздаги барча сўзларни сингармонизм қоидасига бўйсундириш тарафдорлари бўлган “юз прасентчилар”. Элбек ва А.Йўлдош бу гуруҳнинг энг кўзга кўринган аъзолари эди. “Истисночилар” “мумкин қадар” сўзи билан бутун чет сўзларни сингармонизмдан ҳимоя қиладилар. Бундай сўзлар эса ўзбек тилида анчагина. Агар бунга йўл қўйиб берилса, тилда анархия кучаяди. Иккинчидан, бир тилда икки хил имло бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун Элбек истиснолардан ҳоли қатъий қоида тузиш, ёки сингармонизмдан бутунлай воз кечиш каби икки йўлни таклиф этади. Охир оқибатда иккинчи йўл танланди ва мунозараларга чек қўйилди.

Имло қоидаларини белгилашда иккинчи мунозарали масала “лаб оҳанги” масаласи эди. Фитрат, Қ.Рамазонлар қоида тузишда бир томондан туркий тиллар таъсирига берилган бўлса, иккинчи томондан улар кўпроқ мумтоз асаралар тилини эътиборга олдилар. Улар ўзларининг тил сабоқларида, “туб сўзларнинг биринчи бўғинида ўтру (яъни у, ў) бўлса, иккинчи бўғинда ҳам ўтру бериш керак деган қоидани ушлаб олдилар. Қ.Рамазон лаб оҳанги деб аталган бу қоидани шундай таърифлайди: “Лаб оҳанги деб юритганимиз қонун сўзларнинг биринчи бўғинида келувчи лаб унлилари (у ва ў) нинг сўнгги бўғинларда йиғиқ (узкий) – “и” ларни келтирмай, уларнинг ўз жинслари (лаб йиғиқлари) этиб келтиришларидир” [2.16, 95-6]. Неча йиллардан бери халқ оғзаки ижоди намуналари, турли қишлоқ шевалари устида изланишлар олиб бораётган Элбек бу қоидага мутлақо қарши чиқиб лаб оҳангини бутунлай имло қоидасидан чиқаришни таклиф қилади. Тилшунос “Бу кун лаб оҳангини қирғиз, усмонли турклари янгилик юз пирасант бўлмаса ҳам ўрта даражада сақлаш керак деган оқим ва қараш бизда кўпдан бери сургалиб келмакдадир. Лекин бу қараш илмий ёқдан анча бўш бўлғонидай, мантиқ ёғидан бутунлай келишмаган нарсадир. Лаб оҳанги бўлса, ё юз пирасант (қирғиздагилар каби) сақланмоғи, ё бўлмаса бутунлай ташланмоғи лозимдир.Тилимизнинг хусусиятини текширганимизда биз иккинчи йўлни тутиш ҳам илмий ҳамда мантиқий ёқдан лозим бўлиб қоладир. ...Ўзбек тилида ўтру чўзғисининг биринчи ҳижодан сўнг тушиб қолиши тўғрисида ҳозирги маҳаллий шевалар очик тониқ бўла оладилар” [8.29] деб ёзар экан, ўзбек тилида лаб оҳанги йўқ деган хулоса келади. Шунинг учун биринчи бўғини “ў”, “у” товуши билан бошланган сўзларнинг кейинги бўғинларини и билан ёзмоқ ва шундай ўқимоқни лозим деб билади. Бундай қилинса, биринчидан, тил қоидасидан бир қоида камайган бўлади, иккинчидан ёзиш ишида бир қийинчиликдан қутилиб тил қоидасининг истисноларсиз тугал бўлишига йўл очилади [8.29] деган фикрни билдиради. Бироқ Элбекнинг бу фикрлари инобатга олинмасдан Қ.Рамазоннинг таклифи билан 1929-йил имло

конференциясида баъзи бир истиснолар билан лаб оҳанги қондаси тилда иккинчи бўғингача сақлансин, деган қарор қабул қилинди. Бугунга келиб эса Элбекнинг таклифи нақадар тўғри ва ўринли эканлиги исботланди.

Шундай қилиб, Элбек араб алифбосини ислоҳ қилишда, латин ёзувига ўтишда ўзининг назарий аҳамиятга эга бўлган фикрлари билан фаол иштирок этди, энг қулай имло қоидаларини яратишга ҳаракат қиди. Унлиларни белгилашда дастлаб айрим камчиликларга йўл қўйган бўлса-да, кейинчалик ўз хатоларини тушуниб, бу муаммони ечишда тўғри фикр ва мулоҳазалар билдирди. Ўз ва ўзлашган сўзлар учун имлоси қоидаларини тузишда айрим тилшуносларга ўхшаб тарихий-анъанавий тамойилга эмас, балки фонетик тамойилни асосий ўринга қўйди. Имло қондасини белгилашда мумтоз асарлар тилини эмас, балки ўзбек шевалари ва халқ оғзаки ижоди намуналарини манба сифатида танлади. Сингармонизм ва лаб оҳанги қонуниятларининг тилимизда прогрессив (йўқолиш) ҳолатида эканлигини англаб етгандан сўнг Элбек улардан бутунлай воз кечган ҳолда имло қоидаларини белгилаш ғоясини илгари сурди.

ЭЛБЕКНИНГ ЛУГАТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Лугат ва атамалар

Ёт тиллар таъсири остида ўзининг бойлигини йўқотиб, заифлашиб бораётган тилимизни ишлашга, ривожлантиришга киришган, унинг стандарт тиллар қаторидан ўрин олишини мақсад қилган Чигатой гурунги аъзолари дастлаб унутилган туркий сўзларни тиклашга ҳаракат қилдилар. Натижада 20-йиллар матбуотида ўксиз, чечак, очун, сайгули, экмак, битим, асиғ, эксик, эмгак, бўғов, ёзоқ, босоқ каби кўплаб архаик сўзлар қўлланила бошланди. Пуристик ҳаракат дея кўпчилик томонидан танқид қилинган гурунг аъзоларининг бу фаолияти ўзбек тили сўз ҳазинасини бойитиш, тилни ички имкониятлари асосида ривожлантириш, миллий адабий тил яратиш йўлидаги биринчи ижобий уринишлар эди. Чигатой гурунги тўрагаги 20-йилларда баъзи сабабларга кўра расман ёпиб қўйилган бўлса-да, тилни соддалаштириш, халқ англаши қийин бўлган форс, араб, рус сўзларининг соф туркий муқобилларини излаб топиб муомалага киритиш, янги сўзлар ижод қилиш ва шу асосда тилни ривожлантириш учун изчил кураш олиб бордилар. Тил софлигини сақлаш учун бошланган бу ҳаракатларнинг ташаббускори Фитрат бўлса, Элбек унинг ёнида зўр ғайрат билан фаолият кўрсатди. Элбекнинг қайси бир асарини олиб қарамайлик, тил масаласига жуда жиддий эътибор берганлигини кўрамиз. Чунки “бир улуснинг дунёга борликқа чиқаратурғон нарсаси, шубҳасиз унинг миллий нарсалари ва тили бўлғусидир” [8.4] деган Элбек тилнинг фан ва маданият тараққиётида аҳамиятли эканлигини баъзи бир замондошларидан кўра кўпроқ англаб етган, шу сабаб ўз фаолиятининг асосий қисмини ўзбек тилининг лугат бойлигини ўрганишга бағишлади.

Ўлкамизда матбуотнинг ривожланиши ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожига катта таъсир қилди. Янги илму фан ва техниканинг кириб келиши зиёлилар гарданига уларни ўзлаштириш ва халққа етказиш каби масъулиятли вазифаларни юкледи. Тилшунослар олдида янги ўқув дарсликларини тузиш учун илмий,

фанний, сиёсий терминлар яратиш, уларни адабий тилга ўзлаштириш каби муҳим вазифалар турар эди. Ана шу масъулиятларни ҳис этган Элбек ўзининг бор имконияти, иқтидори, салоҳиятини ишга солиб, луғат тўплашга киришди. У Чигатой гурунги аъзоларининг ёт сўзларни ёппасига туркийлаштириш ҳаракатлари натижасида юзага келган нуқсонлар ва чалкашликларига барҳам бериш, уларни мубоҳасалар ёрдамида илмий ҳал қилиш мақсадида 20-йиллар давомида муомалага киритила бошлаган соф туркий сўзларни ҳамда ўз изланишлари давомида тўплаган луғат ва атамаларни жамлаб фикр олиш учун матбуотда қуйидаги тартибда эълон қила бошлади:

<i>Туркий</i>	<i>Ўзга</i>
<i>тегра-тўгарак</i>	<i>доира</i>
<i>авай</i>	<i>эҳтиёт</i>
<i>ют</i>	<i>қаҳат</i>
<i>бошқарма</i>	<i>идора</i>
<i>буюрма</i>	<i>ҳукумат</i>
<i>босқоқ</i>	<i>нойиб</i>
<i>ёзоқ</i>	<i>мактаб</i>

Шу асосда 550 та туркий сўз ўзининг муқобиллари билан газетанинг ўнта сониди (1923 йил 5 сентябрдан 21 ноябргача) “Луғат ва атамалар” боби номида бериб борилди [8.22]. Элбекнинг бу луғат ва атамаларни матбуотда эълон қилишдан асосий мақсади қуйидагилардан иборат эди:

1. Араб, форс ва рус тилларидан кириб келган ўзлашма сўз ва терминларга ўзбекча муқобил топиш, уларнинг қўлланилишини таъминлаш, матбуот аҳллариани ана шундай ҳодиса ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлар маъноси билан яқиндан таништириш; Масалан, 20-йилларда кенг истеъмолда бўлган *маннў*, *ихтилол*, *муҳторият*, *иттиҳод* каби арабча сўзларнинг оддий халқ учун тушунарли бўлган *қатагон*, *қўзғолон*, *эркинлик*, *бириқма* каби муқобиллари бор. Бу сўзлар арабча муқобилларининг

маъноларини ўзларида тўла ифода эта оларкан, уларни кенг истеъмол доирасига киритиш, ёт сўзларни эса муомаладан чиқариш зарурлигини уқтиради. Йўлбошловчи маъносини англатувчи арабча *далил* ўрнида илгари туркий халқлар *қулагур* (ёки *қулагуз*) сўзини ишлатганлар. Элбек тил софлигини сақлаш учун унутилган мана шундай туркий сўзларнинг қайта истеъмолга киритилишини лозим топади.

2. Матбуот саҳифаларида баъзи арабча, форсча, русча сўзлар ўрнида нотўғри танланган туркий сўзлар қўлланилаётган эди. Чунки 20-йилларда *инқилоб* ўрнида туркий *ўзгартиш* сўз ишлатилган. Элбек бу сўзнинг шу маънода қўлланилишига қарши чиқади. Сабаби *ўзгартиш* - *тағйир* сўзининг таржимаси бўлиб, инқилоб маъносинини бермайди. Олим *инқилоб* ўрнида *тўнтартиш* сўзини қабул қилиш яхшироқ деган хулосага келади. Ҳозирги кунга келиб матбуотимизда *инқилоб* сўзи билан бир ўрнида *тўнтартиш* ҳам фаол қўлланмоқда.

3. Ўлкамизда чиқаётган турли газета, журнал, рисолаларда бир ўринда бир неча турли сўз ва атамалар ишлатиларди. Ана шу сўз ва атамаларни тартибга тушириш, уларнинг тилдаги қатъий ўрнини белгилаш лозим эди. Масалан, ўша давр матбуотида *қасаба* (арабча кичик шаҳар дегани) ва *бўлис* (*волость* яъни катта қишлоқ маъносида) сўзлари бир-бирларининг ўрнида аралаш ишлатилган. Элбек бундай сўзлар ўрнида азалдан қўлланилиб келаётган *кент* сўзини қайта тиклашни таклиф қилади. Чунки *кент қасаба*, *бўлис* сўзларининг маъноларини бемалол ифода қила олади.

Ўша вақтда яратилган мактаб дарсликлариде муаллифлар томонидан турли хил терминлар қўлланилган. Масалан, арабча *дулий* сўзи *томон* маъносини англатса-де, Тошкентда бу ўринда *қобирга* сўзи қўлланган. *Мусаллас* ўрнида Фаргона водийсида *учбурчак*, Тошкентда *учлик* терминлари ишлатилган. Элбек бундай ҳар хилликни бартараф этиш мақсадида ҳар бир тушунча учун қатъий бир термин белгилашни ёқлаб чиқади.

4. Элбекнинг матбуот саҳифасида луғат ва атамалар бурчагини очишда асосий мақсади Чигатой гурунги томонидан қўлланила

бошлаган соф туркий сўзларни кенг халқ оммасига ёйиш, шу масалада бош қотираётган илм аҳлига уларни ҳавола этиш, бу борада фикр олиш, нотўғри қўлланилаётган туркий муқобилларни баҳс, мунозаралар билан илмий ҳал этиш эди. Шу асосда Элбек тилимизнинг ишланишига йўл очиб, баъзи нуқсон ва камчиликларни бартараф этди.

Элбекнинг “Луғат ва атамалар” асарини илмий атамалар ва кундалик турмушга оид сўзлар каби икки гуруҳга ажратиб таснифлаш мумкин:

1. Илмий атамалар;

а) *рийёиётга оид сўзлар*: зовия-пучмоқ, ҳисоб-сайғи, сатҳ-юз, мурабба-тўртпучмоқ, мусаллас-учпучмоқ, каср-ушоқ, касри аори-ушоқ ўнлар, уфқий-ёйсиқ, хат-чизиқ, томон-тараф:

б) *кимёга оид атамалар*: мавлудулалмо-сувдиғдирғич;

в) *жугрофияга оид атамалар*: жазира-орол, кўрфаз-қўлтуқ, тарнов-журга, шарқ-кунчиқиш, гарб-кунботиш, шимол-тунёқ, жануб-кунёқ, нефт-ермойи, ирқ-тус, шалола (водопад)-шарқирама, могора-унгур, гирдоб-ўпқун, жангал-ўрмон;

г) *иқтисодга оид атамалар*: мубодила-айрибош, дохууд-кирим, росхууд-чиқим, насия-унитғич, нолуг, хирож-солиғ, мубилизатсия-қишқуйруқ, аванс-бўнак, муохада, доғовар-келишиш;

д) *тиббиётга оид атамалар*: дори-эм, табиб, дўхтир - эмчи, аптека-эмлоқ, касал-оғриқ, вабо-ўлат, тиф-терлама, возратный тиф-кезик;

е) *тилуносликка оид терминлар*: адад-сон, замир-олмош, феъл-ишлик, одот-қўшимча, ҳукм-кесим, аломат-белги, истилоҳ-атама, модаи асли-ўзак, асос-негиз, форма-бичим, шакл-апт, жумла-сўйлам, нуқта-туртки, қавс-ёй;

ж) *адабиётга оид терминлар*: опера-лапар, шоир-оқин, қўшиқчи, наср-сочма, назм-тизма, адабиёт-ардамлик, адаб-эрдам, вазн-солмоқ, мезон-ўлчак;

II. Кундалик турмушга оид сўзлар:

а) *инсон тана аъзолари ва унга алоқадор бўлган сўзлар*: тан-гавда, асаб сингир, мўйлаб-бурут, лаб-дудог, халқум-бўғуз, панжа-

бармоқ, банд-бўғим, меъда-ошқозон, устхон-суяк, кемик, дум-кўйруқ;

б) **инсоннинг руҳий-жисмоний белгилари ва маънавий-ахлоқий хусусиятларини ифодаловчи сўзлар:** баҳодир-али, бардам-тетик, бечора-бояқиш, мискин-йўқсул, етим-ўқсуз, золим-душ, фақир-қашшоқ, танбал-ялқов, сергап-эзма, девона-тентак, хасис-зиқна, бахил-қурумсоқ, кўр-сўқир, инволид-майиб, фалаж-качал;

в) **касб-хунар эгалари ва шахсни ифодаловчи сўзлар:** нотиқ-чечан, сеҳргар-кўзбоқчи, сайёҳ-кезувчи, муҳожир-соқчи, қассоб-отчи, ошпаз-баковул, деҳқон-экинчи, жосус-тилчи, воқеанавис-ийгоқчи, таржимон-тилмоч, мутахасис-печак, муҳожир-кўчкунчи, мункир-тонгучи, хизматкор-қарол, меҳнаткаш-ишчи, режиссур-синовчи, дарбон-қопқачи, пучталён-чопар, суфлёр-шивирчи, далил-қулагур, ҳунарманд-чебар, созанда-чолғувчи, извогар-чуғул, муаллим-ўқутғувчи, сайёд-овчи, саркотиб-ёзғувчи;

г) **мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:** ҳис-сезги, найқов, ишқ-севги, газаб-аччиқ, гина-ўпка, шухрат-донг, тақдир-ёмиш, муножат-ёқориш, ҳолат, разм-жонталаш, эҳтиёж-зорикши, ҳазар-ирганиш, умид-илинж, истиҳола-ийманиш, қаноат-қўнук, адоват-кек, толеъ-кўргулик, рашик-кунлаш, қасам, ямин-отт, саросима-олақиш, сабр-тўзим, изтироб-талваса, қисмат-тилам, фаҳм-эс, дармон-тинка, пушаймон-ўқунч, тасарруф-бийлаш, мағфират-ёрлақиш, таманно-ёлвориш, диққат-ичик, ажиб-танг, шубҳа-тусмол, интиқом-ўч, бахт-ўраз, гам, гусса - қайғу, жазм-қунт;

д) **ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид сўзлар:** иттифоқ-бириқма, иттиход -бирлик, ташиқлот-уюшма, инқилоб-тўнтарши, тағйир - ўзгарши, мустақил-ўзбошли, ҳуррият-эркинлик, кўммунистичиский-ўртанчал, қонун, низом-ясоқ, тузук, қарор-тўхташ, фармони олий - ёрлиқ, собит - тургун, қатли ом - қиргин, наказ, прўғром - йўруқ, висилка - сургун, погрум - ур-йиқит, ихтилол-кўзғолон, сулҳ - яраш, договор - келишиш;

е) *жой номларини ифодалувчи сўзлар*: *пойтахт-хонболиқ, шаҳар-болиқ, қасаба-кент, уез-туман, марказ-киндак, холи-овлоқ, мозор-туга, қабр-сағана, дўзах-тамуз, жаннат-ужмоҳ, зиндон-турма, ватан-юрт, мамлакат-ўлка, истеҳком-қўрғон;*

ж) *уй-рўзгор буюмлари ва унга алоқадор сўзлар*: *парда, занавеска-чимилдиқ, дарбоза-қопқа, калит-очғич, намат-кигиз, обдаста-қумғон, теша-чўп, нордбон-шоту, сутун-тирак, мих-чега, жиҳат-себ, девор-том, мешк-тулум, фанжон-бодроқ;*

з) *озиқ-овқат ва кийим-кечак номлари*: *нон-эмак, мевемиш, гўшт-эт, шароб-чоғир, сабза-кўкат, залла-ошлиқ, ризқ-озиқ, баримта-увиз, тухум-юмурқа, жома-тўн, кулоҳ-бўрк, рўмол, чорсуқийиқ, дастрўмол-ёғлиқ, матерёл-жомилга;*

Элбек араб, форс, рус сўзларига ўзбекча муқобил топишда 1922 йили ўтказилган маориф-маданият ходимларининг иккинчи қурултойида ишлаб чиқилган атама қабул қилишнинг тўрт тамойилига асосланади:

1. Луғат ва атамалар яратишда асосий манба жонли тил бўлишини лозим деб билади. Шунинг учун туркий муқобилларни турли қишлоқ шевалари ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналаридан излаб топишга ҳаракат қилади. Масалан, луғатда келтирилган *кезик (навбат), чуғул (извогар), чулгов (пойтаба), эм (дори), эмчи (дўхтир, табиб), дов (даъво) сингир (асаб), чега (мих), ужуз (арзон), бўтан (бегона)* сўзлари ҳозирга қадар ўзбек халқ шеваларида қўлланилиб келмоқда.

2. Ўзлашган сўзларга муқобил топишда сунъийликка берилмаслик мақсадида архаик сўзлардан фойдаланишга, уларга янги маъно ва тушунчаларни юклаб, қайтадан муомалага киритишга интилди. Элбек *кўгалдош (ҳамшира), болиқ (шаҳар), ўрон (порул), белкат (посилка), болбол (ҳайкал)* каби эскидан ишлатилиб, “ёлғиз бу кунги шаҳар халқининг миясига сиғмай қолган сўзларни яна ўз ўрнида ишлатилса, қанча қийинчиликлардан қутулғонимиз каби адабиётимизни ҳам соддалаштиришган бўламиз”, дея мумтоз асарлар тилини ўрганишга, ундан самарали фойдаланишга ундайди. Бу анъана 20-30-йилларда анчагина кенг

тус олганди. Масалан: “Бобурнома” да учровчи *ўрон* сўзи (Саъид Ахрорий луғатида *номи шаб* деб берилган) Фитрат асарларида *пароль* (“Бобурнома” да ҳам шу маънода қўлланилган) маъносида қўлланилган:

“*Бадринат*. Ўрон бердимиз?

Қоровул. Берди. Чилон оғочининг остига келгач, биров турди. Ўнг қўлини икки йўла кўтарди.

Раҳимбош. Сиз-да чиқиб, ўрон берингиз, келсун” [7.4, 113-б].

Фитрат ва Элбек қадимги туркий *ўрон* сўзини *пароль* ўрнида қўллашни таклиф қилган бўлсалар-да, Ғози Олим уни *шиор* маъносида ишлатилади:

“Ўртага шу ўронларни (шуъорларни) отди:

Ҳокимият шувроларга.

Ер деҳқонларга, нон, дон очларга [6.2, 7-б].

Бироқ, тилшуносларимиз тарафидан таклиф этилган бундай архаик сўзлар, адабий тилимизга сингиб кетмади.

3. Луғатшунос ўзбек тилининг миллийлигини сақлаш, уни ёт сўзлар таъсиридан ҳимоя этиш, эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида ёт тиллардан олинган тайёр атамаларни тўғридан тўғри қабул қилишга қарши чиқди. Тилимиздаги мавжуд имкониятларни ишга солиб, янги сўзлар яшаш лозимлигини уқтирди. Масалан *режиссур* ўрнида *синовчи*, *суфлёр* ўрнида *шивирчи*, *насия* ўрнида *ичтгич* каби ясама сўзларни қўллашни таклиф қилади.

4. Элбек агар тилимизда ёт сўзларга муқобил топилмаса, қардош туркий тилларга мурожаат қилишни маъқул кўради. Шу сабаб *аср*, *баҳона*, *рўза*, *марта*, *карра*, *каноп*, *шимол*, *жануб*, *гарб*, *шарқ*, *стол* каби ўзлашма сўзларни туркий *юз*, *силтов*, *уруж*, *топқир*, *кандир*, *тунёқ*, *кунёқ*, *кунботиш*, *кунчиқиш* каби туркий сўзлар билан алмаштиришни лозим топади. Бу билан умумтуркчилик ғояларини ҳам илгари суради. Элбек ушбу луғат ва атамалари билан оммага мурожаат қиларкан, унинг янглишган ўринларини кўрсатишларини, ўзларининг бу борада тўплаган луғатлари бўлса, матбуотда эълон қилишларини сўрайди. Бундай мунозаралар тилимизнинг ишланиб, меъёрлаша боришида катта

аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, барча тил билимдонларининг диққат эътиборларини шу масалага қаратади. Журналист ва ёзувчи Муҳаммад Сайид Аҳрорий (1895-1930) Элбекнинг бу фикрларини қўллаб-қувватлаб, ўзи муҳаррирлик қилаётган “Озод Бухоро” газетасида “Луғат ва атамалар сутуни” номли 560 сўзлик луғатни эълон қилади [1.85]. С.Аҳрорий луғати Элбек луғатидан у даражада фарқ қилмайди (буни Элбек луғатининг баъзи ўзгаришлар билангина қайта босилган нусхаси десак ҳам хато бўлмайди), фақат Элбекда келтирилган ўзбекча сўзлар С.Аҳрорийда (Туркияда туғилиб, таълим-тарбияни ҳам шу ёқда олганлиги сабаб шекилли) усмонли турк тилида берилади: *ўпич - ўпки, болбол - билги* (хайкал ўрнида), *битик - битги* (ёзув маъносида), *тўсиқ - тўску, ёнги - ёнгу* каби [1.85]. С.Аҳрорий луғатининг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда *отоқ-назр, содоқ-ўқ жойлойтургон нарса, салт-танҳо, курсоқ-меъда, угуш-набира, шизовил – девонбеги (зовхуз), йигноқ – митинг, уйғурлиқ – маданият, ёл этмак – истироҳат этмак, қолтоқ – қаҳва, отог – номзод (кандидат), жига – тож, кузгочқу – хитобнома, ёнтоб – нўсла, қибланамо - компос, ёсов – расмий кажид (парад)* каби Элбек луғатида мавжуд бўлмаган айрим сўзлар ҳам ўз ифодасини топган. С.Аҳрорий ва Элбек луғатлари орасида ёт сўзларга туркий муқобил танлаш борасида айрим фарқлар мавжуд. Масалан, *насия, хайкал, нотик, пешкаш, нодир* каби ўзлашма сўзлар ўрнида Элбек *унутгич* (чунки насия сўзи арабча насийон (унутмоқ) масдаридан ясалган), *болбол, чечан, тортиқ, сайёули* сўзларини, Аҳрорий эса бу ўринда *ўтингич, билги, сўзчин, суюрғол, топилмас* каби сўзларини қўллашни таклиф қилади.

Туркистон газетасида Элбекнинг луғат ва атамалари эълон қилинган, “Инқилоб” ҳамда “Маориф ва ўқитғувчи” журналларида яна “Луғат ва атамалар” номидаги мақоласи босилиб чиқди. Луғатшунос сўз бошида бунга шундай изоҳ беради: “Мен, шунда шул танқиддан ўтган луғат ва атамаларга бўлгонича далил ва санадлар келтириб ўтмакчи бўлдим, бундан тилак эса илмий текшириш бўлуб, туманли кўрунган луғат ва атамаларни очук

инглаш ва таарруз этмакчи бўлгон ўртоқларга масалани янада очиқроқ тушунтиришдир” [8.24].

Элбекнинг бу луғатида 97 та туркий сўз М.Қошғарий, Суфи Оллоёр, Абулғози Баҳодирхон, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ асрлари ва баъзи бир дostonлардан келтирилган мисоллар билан изоҳланади. Масалан:

- *Хонболиқ: пойтахт демакдир.*

Мисол: Ултонхон ўттуз минг кишини қидириб, хонболиқ борди. Ҳар ким хонболиқда Подшо бўлса Ултон дерлар.

“Шажарайи турк”

Тилчи: жосус демакдир.

Мисол: Ўрислар тилчиси анда бор эди,

Келибон жондир олга айтур эрди

“Мулла Хусайн Шайх...”

Элбек туркий сўзларнинг тарихий маъноларини ўрганаркан, “чиғатой лаҳжасининг муҳим китоби” бўлган Навоий асарларига мурожаат қилади. Шу сабаб мисолларнинг асосий қисми Навоий асарларидан олинган:

Туга: мазор демакдир.

Мисол: Ҳажри ришин ёғдириб ким қавди, ўлсам эй рафиқ,

Қабрим устида туга тошин жуз ул тош этма дил.

“Навоий”

Элбекнинг 97 сўздан иборат изоҳли луғати шуниси билан аҳамиятлики, унда ҳар бир сўз маъноси манбалар асосида мисоллар билан тушунтириб берилган. Бу билан у ўзининг 20-йилларда тил тарихи билан жиддий шуғулланган етук тадқиқотчи эканлигини намоян қилди. Масалан, “*Менинг холам Давлат Султон хонимнинг Қутлуғ Муҳаммад отлиқ кўкалдоши Қошғардан хоним қошидан хат ва белкат келтирди*”. “Бобурнома”дан келтирилган ушбу нарчадаги *белкат* сўзини Х.Назарова “*хабар*” [6.6], М.Салье “*совға*” [7.1] деб изоҳлайдилар, Элбек эса бу сўзни ҳозирги посилка (яъни бир жойдан иккинчи жойга жўнатиладиган буюм) сўзининг муқобили сифатида тўғри изоҳлайди. Демак, янгидан ўзлашаётган

айрим сўзларнинг муқобиллари ўтмишда мавжуд бўлиб, Элбек улардан самарали фойдаланишни таклиф этади.

Шундай қилиб юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1.Элбекнинг “Луғат ва атамалар”и XX аср ўзбек луғатшунослик соҳасида янги босқич бўлди. Унда ўзбек шевалари, мумтоз асарлар тили, баъзи бир сўзларнинг этимологияси бўйича янги маълумотлар бор.

2.Бу луғат нафақат Элбекнинг, балки бутун тил фидойиларининг 20-йилларда тил софлиги учун бошлаган ҳаракатлари, унинг миллийлигини сақлаш, эркин ривожини таъминлаш йўлида бажарган ишларини ифода этиб туради. Чунки унда Чигатой гурунги аъзолари томонидан ишлаб чиқилган ва муомалага киритилган сўз ва ифодалар ҳам жамланган. Бу луғат Фитрат, Боту, Элчи, Элхон қаторида Элбекнинг илмий, адабий асарларини ўқишда қўл келади.

3.Элбекнинг луғати бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли бўлиб, ундан 20-30 йилларда давр талаби билан янгидан ясалган ва истеъмолда бўлган сўз ва унинг маъноларини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

ЎЗБЕКЧА ШАКЛДОШ СЎЗЛАР ЛУҒАТИ

20-30 йилларда ҳарф ва имло масалалари ҳал этилиб, сарв-наҳв тузиш ишлари изга тушгач, тилшуносларимиз асосий эътиборни луғат тузишга қаратдилар. Дастлабки вақтларда К.Юдахин [6.11], Е.Поливанов [6.7.], А.Зоҳирий, У.Аҳмаджоновлар [6.4] томонидан русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча таржима луғатлари яратилган бўлса, сўнграқ янги фан-техникага оид дарслик ва қўлланмаларнинг юзага келиши билан қишлоқ хўжалиги, биология, математика, ҳуқуқшуносликка оид махсус терминологик лугатлар тузила бошланди [6.14]. Ўзбек адабий тилини шакллантириш борасидаги хатти ҳаракатлар натижасида А.Авлвий (6.2) ҳамда С.Иброҳимовнинг [6.6] имло луғатлари яратилди. Ана шундай

луғат тузиш ишлари аста-секин жонланаётган бир пайтда Элбек ҳам ўз тажрибалари, тўплаган материаллари асосида: “Ўзбекча шаклдош ва маънодош сўзлар” номли биринчи махсус луғатини тузди.

Ўзининг луғатшунослик фаолиятини “Чиғатой гурунги” тўғарагида бошлаган Элбек 1924 йиллардан бошлаб тилимиздаги омоним сўзларни ўрганишга киришган эди. Масалан, унинг “Тилимиздаги янглишиқлар” [8.23] рукнидаги мақолаларининг баъзиларида айнан шу шаклдош сўзлар тўғрисида фикр юритилади. Элбекнинг ижодини кўздан кечирганимизда ўзбек тилининг бой, серқирра маъноларию ранг-баранглигини ифода этувчи жозибадор шаклдош сўзлардан самарали фойдаланиб, мумтоз адабиётимиздаги туюқ жанридан бир мунча фарқ қилувчи тўртгликлар ҳам ижод қилганлигини кўраимиз:

Ўт ўт ичидан, ўтинг бор бўлса,

Ёт ёт ичида, кучинг йўқ эрса,

Енг енг ичида, ёнинг келишса

Ён ён ичида, ёнинг қуйишса.

Элбекнинг бу шеърий парчасида ўт (ўтмоқ; олов), ёт (ётмоқ; бегона), енг (енгмоқ; яширин маъносидаги ибора), ён (ён, оловлан; томон, тараф) омонимлари асосида ўша давр тузимига нисбатан порозилик оҳанги, халқимизнинг фидойий йигитларини эрк учун, миллат учун курашига даъват этиш, уларни руҳлантириш каби яширин фикрларни уқиш мумкин.

Бу вақтда рус луғатшунослари томонидан маънодош ва шаклдош сўзлар жамланган бир қанча луғатлар тузилган эди. Масалан, И.И.Давидовнинг “Словарь русских синонимов” (1856-60), В.Д.Павлов-Шишкин, П.А.Стефановскийларнинг “Учебный словарь синонимов русского литературного языка” (1930-31) кибилар фикримиз далилидир. Аммо туркман, тожик, қозоқ, қирғиз, ўзбек халқлари тилларида эса маънодош ва шаклдош сўзлар юзасидан бирор бир тадқиқот ва махсус луғатлар яратилмаган эди. Халқ орасида бундай луғатларга эҳтиёж туғилаётганди. Элбек кўлида тўпланган материалларга таяниб, ана шундай масъулиятли

ишни ўз зиммасига олди ва ўзбекча шаклдош ҳамда маънодош сўзлар луғатини тузиш мақсадида Ўзбекистон жумҳурияти Маориф комиссаларлиги Давлат тил-термин кўмитасига мурожаат қилди. У терминкўм рухсатини олгач, тезда ишга киришди. Тошкент, Наманган, Хоразм шаҳар ва қишлоқларига чиқиб, материал тўплади, 1933 йилга келиб “Ўзбекча шаклдош ва маънодош сўзлар луғати”ни ёзиб тугатди ва нашриётга топширди. Бироқ луғатнинг ҳажми катта эди. Элбек ноширларнинг маслаҳати билан луғатини “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” ва “Ўзбекча маънодош сўзлар луғати” номлари остида алоҳида-алоҳида кўринишда қайта босмага тайёрлади.

Шундай қилиб, 1934 йил 22 февралда Терминкўм муҳаррирлигида, ЎзСШЖ Маориф вазирлигининг тасдиғи билан лотин графикасида 1500 нухсада “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” Самарқанд давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилди (“Ўзбекча маънодош сўзлар луғати”ни эса нашрдан чиқмаган ва йўқолиб кетган). Китоб 125x176 см. ҳажмда бўлиб, 157 саҳифадан иборат. Луғат “Ёзувчидан” номли кириш сўзи билан бошланади. Унда омоним сўзларни тўла жамлай олмагани, бунинг учун кўп вақт ва катта маблағ кераклиги, луғат ўзбек тилида биринчи бор тузилаётганлигини сабабли баъзи камчиликлари бўлиши мумкинлиги айтилади. Элбек луғатни тузишда ўз ёрдамларини аямаган тил билимдонларига миннатдорчилик изҳор қилади.

Луғат “оч” сўзи билан бошланиб, “зар” сўзи билан якунланган. Унда 416 шаклдош сўз алифбо тартибида берилган бўлиб, булардан 281 таси 2 маъноли, 101 таси 3 маъноли, 31 таси 4 маъноли, 2 таси 5 маъноли, 1 таси 6 маъноли. Ҳар бир саҳифада 3 ёки 4 тадан омоним катта қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилган ҳолда изоҳланган. Омоифода таркибига бирлашган ҳар бир омолексеманинг маънолари араб рақамлари билан фарқланган. Уларни жойлаштиришда туркумларга амал қилинмаган. Баъзи ўринларда гоҳ от сўз туркумига оид омоним биринчи келтирилган бўлса, бошқа жойда сифат ёки феъл сўз туркумига оид омолексема биринчи ўринда келтирилган.

Шаклдошларнинг берилиш тартиби жуда ҳам содда, яъни аввал шаклдош сўз изоҳланган, сўнгра иллюстратив мисоллар келтирилган.

Луғатда қўлланиладиган изоҳ турлари

Элбек омонимларнинг маъносини очишда луғатчиликнинг турли анъанавий изоҳлаш усулларидан унумли фойдаланган.

Сўз маъноларини имкон қадар содда ва ихчам тартибда изоҳлашга ҳаракат қилган: Масалан:

Қулоқ - товуш эшитиш аъзоси.

Мисол: Шу гўзал суҳбатга қулоқ соламан,

Тез ўтар баҳорга қулоқ соламан.

(Ойбек, “Кўнгли найлари”, бет 41)

2. *Муштумзўр.*

Мисол: Қулоқларни қилдиқ, мана барбод ва хароб.

(Ҳ. Олимжон)

3. *Сув боши, кичик сувларнинг, катта сувлардан ойрилатургон ери. Оддатда ориз сувининг анҳор сувидан қўйилатургон ўрнига “қулоқ” дейилса-да, шу қулоқдан оққан сувга бу сўз ишлатилади. Бир қулоқ сув оқиб ётибди.*

Сўзларнинг бундай оддий изоҳланиши, ўқувчининг шаклдошларни осонгина тушуниб олишларига ёрдам беради.

Луғатда кўпчилик учун нотаниш бўлган шаклдошлар ҳам борки, уларни бир-икки оғиз сўз билан тушунтириш кийин. Бундай ўринларда муаллиф тавсифий изоҳлаш усулидан фойдаланади:

Чақмоқ
1. Булутларга елнинг таъсири яъни елнинг сиқилиши натижасида булутларнинг бир бирига сурқалиши сабабли ҳосил бўлгон эликтр дўққини.

Мисол: Яшиндай, чақмоқдай ўйнайди

Суратли, ҳайбатли машина қўйнида.

(Карим Аҳмадий “Суръат” шеърлар тўплами, бет 3)

2. *Йилон, ари сингари заҳарли жониворларнинг тишлави, масалан, “йилон чақди” дейдилар, аммо, “йилон тишлади” дейилмайди.*

3. Майдалаб, чақиб бўлақларга ажратмоқ, масалан, йирик қандни чақиб майдаланадир ва бунга “чақмоқ қанд” дейиладир.

4. Эски вақтларда зугурт ўрнига ишлатилган нарса-асбоб исми. Ҳозирда бу нарса кўпрак овчилардагина қўлланилади.

Мисолда кўриниб турибдики, Элбек бу ерда омолексемаларнинг маъноларини жуда аниқ очиб бера олган. Изоҳлар ўқувчилар онгида ўша предмет ёки ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввурларни ҳосил қилади.

Луғатшунос сўзларнинг кўпчилигини турли шаҳар ва қишлоқларда яшовчи одамлар оғзидан, жонли сўзлашувдан ёзиб олган. Бундай нотаниш предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар билан ўқувчиларни таништириш мақсадида, улар тўғрисида атрофлича маълумот беради:

Четан

1. Майда бутоқлардан тўқулиб ишланган асбоб, арава устига қўйиладур.

Қовин, тарвиз ва сомонни четанга солиб бир жойдан иккинчи жойга элтадирлар.

2. Тоғлар бағрида ёввойи ҳолича ўсатургон бир дарахт, бўйи жуда ҳам катта бўлмайди, қизил тусли ва маҳкам оғоч. Бундан чўпонлар таёқ ясайдилар ва бу оғочни хосиятли деб ишонар ҳам: “Четан, қўйинг менга етган” деб айтар эдилар.

Луғатшунос лексикографияда кенг тарқалган синонимик изоҳдан ҳам жуда самарали фойдаланган. Чунки бу усул орқали сўз маънолари лўнда ва аниқ изоҳланади, луғатнинг турли хил тавсифлар билан сунъий равишда кенгайиб кетишига йўл қўйилмайди:

Ўч

1. Интиқом, қасд, кек, қасос.

Мисол: Бир деворки

Қон билан нам

Лойида гўштнинг иши.

Шу деворнинг тубида, у

Ўзга дўстлар сингари

Ёвнинг қотил ва омонсиз

Ўчин кута бошлайдилар.

Ғ.Фулом

2. Ўчмак ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги.

Сен ёнишдан тўхта демак

Ёки яна бошқа бир мисол:

Ўпка

1. Тила, гина, ранжув, кўнгул оғрув, араз.

Мисол: Ўпкалаб аламлардан,

Сўзлайин зафарлардан.

(Ҳ. Олимжон. “Кўклам” бет 10)

2. Ички аъзолардан бирининг исми. Русча: легки

Мисол: Жилагонда ўпка кўриниб кетди.

(“Шайбонихон достони” дан)

Элбек келтириляётган омолексеманинг маъносини очиб беришда оддий, кенгайтирилган ва синонимик изоҳ усуллари қўл келмаса ёки улар ўз вазифасини тўла оқланмаган вақтда, сўзнинг қарама-қарши маъносини ифодаловчи сўзлар – антонимлардан унумли фойдаланади. Бу билан ўқувчиларнинг шаклдош сўзлар маъносини фарқлашини, тез ва осон англашларини таъминлайди: иччиқ- шириннинг зидди ва қаршиси...; қалин-юпқанинг зидди...; ориқ-..., семизнинг зидди каби. Масалан:

Чаман

1. Секин юрувчи, юриши билан кишини зерикдирувчи улов ёхуд киши.

Юсурикнинг зидди.

Мисол: Бугдой эдим сомон бўлдим,

Югрик эдим чаман бўлдим.

(“Шайбонийхон” достонидан)

2. Гулзор, гуллар очилгон ер.

Мисол: Асримиздир буюк чаман

Сира зулум сезмайсан.

(Эргаш “Йиллар” шеърлар тўплами)

Элбек омонимларни изоҳлаш билан бирга, улар учун жуда мос мисоллар излаб топишга ҳаракат қилган. Бу ўринда халқ оғзаки ижоди намуналаридан усталик билан фойдаланган. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг омонимлар луғатида “чаман” –[қозоқча-“касал”] сифат, сусткаш, зўрға-зўрға ҳаракат қиладиган [ленивий, вялий], дея изоҳланган ва “Чаман от” бирикмасини келтириш билан чегараланган [6.8]. Элбек эса чаман омонимларнинг бу маъносига юқорида кўриб ўтганимиздек “Шайбонийхон” достонидан мисол келтирилган ва бу билан фикрини аниқ далиллаган.

Луғатшунос омонимларнинг маъноларини аниқроқ кўрсатиш мақсадида уларнинг русча, форсча, арабча, татарча эквивалентларини келтириш усулидан ҳам фойдаланган:

Бута

1. *Бута, татарча увоқ, русча куст.*

Паст бўйли оғоч, чакалак.

2. *Бутамоқ ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги.*

Бутамоқ: оғоч бутоқларини яъни ён шохларини кесмак.

Ер

1. *Устида яшаб турғонимиз маълум ер. Форсича замин, арабча арз, русча земля...*

2. *Емак иш отидан келажак замон феълининг бўлиши бирлиги.*

Ер, еяр, ейдир демак.

Мисол: Овқатни еса ер, емаса емас, зўрлама.

XV–XX асргача яратилган кўпгина туркий луғатларда, ўрта аср анъанасига кўра сўз маъноларини изоҳлашда луғатшунослар форс-тожик тилидан фойдаланганлар. Бу усуллардан фойдаланиш луғатшуносларга жуда кўп қўл келган. 20–30-йилларга келиб эса форс-тожик тиллари ўз ўрнини рус тилига бўшатиб берди. Давлат ишлари, расмий ҳужжат ишлари рус тилида олиб борилар, мактабларда рус тилига кўпроқ ўрин берилди бошлаган эди. Умуман олганда, рус тили асосий сўзлашув куралига айланаётганди (рус тили аста секинлик билан бутун ижтимоий-сиёсий жабҳаларни қамраб олаётган эди). Ана шунинг таъсирида Элбек ҳам луғатидаги

сўз маъноларини очишда кўпроқ русча эквивалентлардан фойдаланган. Бу эса омонимлар маъносини аниқ фарқлаш учун қулайлик туғдирган. Ҳозирги вақтда яратилган ва яратилаётган синоним ва омонимлар луғатида бу усулдан кенг фойдаланилади. Масалан: “аччиқ I ... [горький]..., аччиқ II... [злость, гнев]...” каби [6.8]. Луғатларда ҳар бир сўзнинг ана шундай русча таржимасининг берилиши, сўз маъноларини аниқлаб берувчи қўшимча изоҳ усули ҳисобланади.

Муаллиф шаклдош сўзларнинг семантик фарқини кўрсатишда грамматик изоҳдан ҳам фойдаланган. Луғатда келтирилган омонимлар от, сифат, сон, феъл сўз туркумларига тегишли бўлиб, фақат феъл сўз туркумига оид айрим омонимларнинггина грамматик изоҳи берилган:

Атала

1. *Аталамак ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги. Суюқ ва қуюқ нарсаларни аралаштириб қўзғотувга аталамак, дейдилар.*

-Унни сувга солиб атала

2. *Исм. Овқат турларидан бирининг исми.*

Мисол: Ўзбек ойим:

-Кечадан бери ичига иссиқ киргани йўқ. Зайнабга атай сутли атала қилиб берсин,- деди.

А.Қодирий “Ўткан кунлар”, III бўлим, бет 122

Бироқ омонимларнинг от, сифат, сон, олмош сўз туркумларига оидлигини айрим ҳолатларда, яъни изоҳ тўлиқ бўлмаган ўринлардагина таъкидланган, холос:

Оқ

Тус, ранг (сифат)

Мисол: Соф гўзал бир баҳор эди, турдим,

Қўлга бир оқ варақ, қалам олдим.

(Х.Олимжон “Кўклам” шеърлар тўплами, бет 36)

2. *Асосан отанинг ўз боласин қошидан ҳайдаб юбориши ва боладан порози бўлиб, ундан узоқлашувига айтилади. Бундай ҳайдалган болага “оқ падар” дейдилар. Бундаги мисол мажозан ишлатилган:*

*Мисол: Подада сал тумов бўлса бир бузоқ,
Подачи Мусонинг даргоҳидан оқ.*

(Ғ.Ғулом “Эгалари эгалланганда”, бет 21)

*3. Оқмоқ иш отидан буйруқ тингловчисинининг бўлишли бирлиги.
Оқмоқ: сувда оқмоқ, сув оқимиға қараб кетмак ёки суюқ нарса,
масалан сувнинг ҳаракати.*

Мисол: Оқ илм дарёсида,

Энди керак-ди - оқмогим.

(“Кўзгу” шеърлар тўпламидан)

Ойри

*1. Исм. Беда, буғдой боғлари сингари нарсаларни санчиб қўтармак
учун ясалган ва учи ики шохли асбоб.*

2. Алоҳида, бошқа-бошқа нарса.

*Мисол: Хотин ичкари кириб тўғрига яқинлашгондан кейин ўнгдаги
ойри йўлга бурилди. (А.Қодирий “Меҳробдан чаён” 44-бет)*

Иллюстратив мисоллар луғат мақоласидаги сўз ва ибораларнинг ҳамда уларнинг маъно ҳамда маъно нозикликларини тилда мавжудлигини тасдиқлаш учун хизмат қилувчи асосий восита ҳисобланади. Элбек луғатни тузишда луғатшунослигимизда анъанага айланган иллюстратив мисоллар келтириш усулидан унумли фойдаланган. Олим луғатга асосан 20-30-йилларда ўзбек тилида истеъмолда бўлган омоним сўзларни киритган ва уларни тасдиқлаш учун ўша даврда ижод этган А.Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, Уйғун, К.Яшин, М.Горкий, А.Маяковский каби 46 дан ортиқ ўзбек ва рус ёзувчи, шоирларнинг бадиий асарларидан ҳамда қурултой материалларидан иллюстратив мисоллар келтирган. Бу манбалар талабини қондирмаган вақтда Элбек кўлида мавжуд бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат қилган (луғатшунос бу материалларни бир вақтлар ўзи тўплаган). Халқ лапарлари, топишмоқ, дoston, матал ва мақоллардан омонифодага тегишли жуда чиройли мисоллар келтириб, асар қимматини янада оширган. Масалан:

Тахта

1. Оғочдан тилиниб олинғоч юқа, ясси нарса.

Мисол: Сен кетаринг билганимда

Узатиб қўймасми-дим.

Тахта қўпрук панжарасин

Тузатиб қўймасми-дим.

(Халқ ашуласидан)

2. Ер парчаси, айрим бўлақларга бўлинган ер.

Мисол: Туянинг ҳазили бир тахта ёнтоқни ер.

(Мақол)

3. Бир бўлақ қозғоз, варақ, русча: листь.

Нор

1. Анор, русча: гранат

Мисол: Ёр богида очилгон

Анор гулнинг норима.

Турт тарафга йўл солгон

Бевафонинг, ёриман.

(Халқ ашуласи)

2. Туя, бир ўркачли туя.

Мисол: Қаторингда ликча норинг бўлайин,

Ўйнаб кулар харидоринг бўлайин.

(“Шайбонийхон достони” дан)

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмас.

(Мақол)

Олимнинг қўлида етарли манба бўлмаган. Шу сабабли кўп ўринларда изоҳланаётган омолексема иштирокида эркин мисоллар келтириш билангина чекланган:

Бўш

1. Бекор, ишсиз, қуруқ.

Мисол: Бўш идиш, бўш уй, бўш киши, бўш қўл.

2. Юмшоқ мулойим.

Бўш қор, бўш ер, бўш киши.

Бурма

1. Бурала тургон нарса, бурамоқ ишотидан ясама сифат.

Мисол: Бурама мих, бурама калид.

2.Бурамоқ ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишисиз бирлиги.
Унинг қўлини қаттиқ бурама, қалтис ейдир.

Луғатшунос сўзининг маъноси изоҳидан англашилиб турган баъзи ўринларда эса иллюстратив мисоллар келтиришни лозим топмаган. Масалан:

Қур

1. Дафъа, марта, бир бор, йўла, қарра.
2. Қурмоқ ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги.

Қурмоқ: тузмоқ, ясамоқ, тикламоқ маъноларида келадир.

Қизилча

1. Лаблагил-лавлагил, русча: свекло.
2. Кичик қизил, кичкина қизил.
3. Дарахт, Ўзбекистон тоғ райўнларида ўсатурғон бир дарахт исми.
4. Қасал исми.

Луғатдаги омонимларнинг генеалогияси

Омонимлар тилнинг ички тараққиёти, яъни полисемантик сўзлар орасида алоқадорликнинг узулиши ва ташқи таъсир – ёт тиллардан сўзларнинг ўзлашиши эвазига вужудга келади.

Элбек луғатида омонимларнинг генеалогик таркибига кўра 8 гуруҳга ажратиш мумкин:

1.Ўзбекча-арабча шаклдош сўзлар: *ошиқ* (арабча-сезувчи), *ошиқ* (суяк); *бўз* (тус, кулранг), *бўз* (ўсмир, навқирон), *бўз* (арабча-индан тўқилган мато); *том* (иморат усти), *том* (томмоқ), *том* (арабча-бутун, бутунлай) каби.

Бўз

1. Тус, кул тусли, кул ранг.

Мисол: У ерда бўз айғир, жийрон, саман той,

Тотилар, тўпчоқлар кўзи қуралай.

(Ғ.Ғулом, “Эгалари эгаллаганда” 20-бет)

2. Навқирон, ёш, ўсмир, навжувон.

Мисол: Бўз йигитлар адир ва чўлларда

Ишлар тинмай ҳар чоқ ҳай-ҳайлаб. (Т.Саъдий)

3. Ипдан тўқулатургон мато.

Мисол: Нигор ойим бир бўз тўнни олиб эрига кўрсатди:

“Шуниси бўладими ”

-Ҳа, бўладир, ташила!

(А.Қодирий “Меҳробдан чаён” 105-бет).

II. Арабча-арабча шаклдош сўзлар: жабр (алгебра), жабр (зулм); асар (ёзувчи асари), асар (из); алам (байроқ), алам (изтироб) каби.

Асар

1. Ёзувчининг майдонга келтирган китоби, ёзувчи томондан ёзилгон рисола, мақола ва сингари нарсалар.

2. Таъсир, қолдиргон из.

Мисол: Олмота деган жойнинг

Олмаси тўла экан.

Ғариблиқ асар қилди.

Бормасам бўлар экан.

(Халқ ашуласидан)

III. Ўзбекча-форс тожикча шаклдош сўзлар: бор (мавжуд), бор (бормоқ), бор (тожикча — дафъа, марта); чора (ёғоч идиши), чора (тожикча-илож, йўл), ёл (дам, истироҳат), ёл (форсча-отнинг ёли) ва бошқалар.

Чанг

1. Тўзон, тўзоқ, майда тупроқнинг ел воситаси билан ҳовога кўтарилган ҳолати.

Мисол: Марғилоннинг шимолида бўлгон Б... маҳалласининг кун чиқар томонидан жанубга қараб бурулгон тор кўчанинг юқориги бурчагида отининг тизгинини ушлагони ҳолда бир йигит кийимига уштургон чанг, тўзонларни қоқар эди.

(А.Қодирий, “Ўтган кунлар”, бўлим II, 55-бет).

2. Ерли мусиқа қуролидан бирининг исми.

Бу қурол дутор, танбур сингари кўп ишлатилмаса-да Ўрта Осиё, шунингча, Ўзбекистоннинг аксари жойида истеъмолдадир.

3. Чангал-чанг. Қўлнинг беш бармоқ ва умуман билакидан қуйи қисми.

Мисол: Пул бўлса чангалда шўрва.

(Мақол)

IV. Тожикча-тожикча шаклдош сўзлар: доғ (алам, қайғу), доғ (из); шох (ҳайвон шоху), шох (бутоқ), даста (ссп, банд), даста (тўплам), жой (ўрин) жой (секин, оҳиста), чамбар (доира); чанбар (қорда кийиладиган оёқ кийим) каби.

Чанбар

1. Доира, тўғарак.

Мисол: Қайси қайғули юрак

Шу япроқлар устида

Шабнамдай ёшларини

Чатиб чатиб қолдиргон.

Қайси бир зарурият

Бу торгина чанбарда

Тетик қайтмас тийрак

Идрокларни толдиргон.

(Ғ.Ғулом “Тирик қўшуқлар”, шеърлар тўплами, 28-бет)

2. Қорға ботмаслиқ учун оёқа кийилатургон асбоб. Овчилар қиш кунлари овга чиққанларида буни оёқларига киядилар. Чанбар панжара шаклида оғочдан ишланган бўлиб, буни ип билан оёқга боғлайдилар.

V. Қозоқча-тожикча шаклдош сўзлар: Чаман (зўрға юрадиган сусткаш), чаман (гулзор) каби.

VI. Хитойча-тожикча шаклдош сўзлар:

Чин

1. Ҳақиқат, тўғри, рост. Ёлгоннинг зидди, мавҳум бўлмагон ва бор бўлгон нарса.

Мисол: Кўлхўз туздик бир қишлоқда,

Исми “Намуна” чин номи-ла намуна. Намуна

(Карим Аҳмадий “Суръат”, шеърлар тўплами, 17-бет).

2. Хитой. Хитой мамлақати исми илгари таъбири ҳам шу хитойга қўлланилар эди.

Биздаги “чинни коса” “чинни пиёла” таъбири ҳам шу хитойга нисбатан айтиладир, аслда “чиний коса” яъни махсус коса ёҳуд чин косаси демакдир.

VII. Русча-ўзбекча шаклдош сўзлар: *қулоқ (муштумзўр), қулоқ (товуш эшитиш аъзоси)*.

VIII. Суғдча-ўзбекча шаклдош: *бут (икки оёқ ораси), бут (туғал, тўла)*.

Бугунга келиб, чет сўзларнинг ўзлашиши натижасида тилимиз омоним сўзлар билан янада бойиди. Уларнинг генеологик таркиби ўрганилиб, 32 гуруҳи аниқланган.

Элбек ва Шавкат Раҳматуллаев лугатларининг қиёсий таҳлили

Элбекдан сўнг 50 йил вақт ўтгач Ш. Раҳматуллаев томонидан иккинчи бор ўзбек тили омонимлар лугати тузилди [6.8]. Биз Элбекнинг омонимлар лугатини (ЭОЛ) батафсилроқ таҳлил қилиш мақсадида уни Ш. Раҳматуллаевнинг омонимлар лугати (РОЛ) билан қиёслаб ўргандик. РОЛ да ишлатилган омонифода (омоним уя), омонимсема (омоним уяга кирувчи сўз шакли) терминларидан Элбек лугатидаги баъзи шаклдошлар бу атамаларга тўла жавоб бера олмаса-да, қулайлик учун фойдаландик.

ЭОЛ да 416 та, РОЛ да 497 та шаклдош сўз берилган. ЭОЛ даги 178 та омонифода РОЛ да ҳам бор. Қолган 238 таси эса қуйидаги сабабларга кўра қирмай қолган:

РОЛ да омонимларни белгилашда талаффуздаги бир хиллик, эзилиши жиҳатдан тенг келиш, маъноларидаги кескин фарқлилик каби уч асосий ҳолат эътиборга олинган.

ЭОЛ да эса фақат шаклий тенглик ҳисобга олинган. 1929 йил нотин алифбосига ўтиш даврида сингармонистик тиллар учунгина аҳмиётга эга бўлган 9 унли қабул қилинган эди. Тилимизда ўша шаклда қабул қилинган йўғонлик ва ингичкалик қондасига йўғон сўзларда ингичка сўзлар учун белгиланган ҳарфлар (к, г,), ингичка сўзларда эса йўғон сўзлар учун белгиланган ҳарфлар (қ, ғ, х,) эзилмас эди. Шу сабабли талаффузда озгина бўлса-да, фарқланган сўзлар, ёзувда бир хил шаклда ёзилган. Масалан, бугунга келиб талаффузда ҳам, ёзувда ҳам тўла фарқланувчи *олмас-олмос, байроқ-бойроқ, қазии-қозии, чалғии-чолғии, чал-чол, чай-чой, бармоқ-бармоқ, оламан-оломон* сингари сўзлар *almas, bayraq, qazi, calgi,*

cal, saj, bartaq, аламан каби бир хил кўринишда ёзилган ва бу ўша даврда белгиланган имло қоидалари учун меъёр ҳисобланган. Албатта, Элбек имло қоидаларига асосан омографларни ҳам ўз луғатига омонимик ҳодиса сифатида акс эттирган:

Олмос (алмас)

Қийматли ва оз топиладиргон тош.

Мисол: Гул-чечак чихрасида олтин зар,

Яна олмосдай ялтираб қолди. (Т.Саъдий)

2.Келажак замон феълнинг бўлишсиз бирлиги.

Мисол: Маъқул деди бир бирлик, уч манак ўн

Оталиғ дам олмас, икки заранг дам олар.

(Ғ.Ғулом “Жўра бўза”, 20-бет)

Имло асосида юзага келган шаклдошларни фақат унлилар эмас, балки ундошлар борасида ҳам учратиш мумкин. Масалан, бугун оталик-оталик; қарға-қорға; тамга-томга каби фарқланиб ёзилувчи сўзлар ўша даврда йўғонлиқ ва ингичкалик қондасига биноан аталиқ, қарға, тамга, шаклида бир хил ёзилган ва булар луғатга омоним сифатида киритилган.

Маънолар орасидаги кескин фарқ ҳисобга олинмаганлиги туфайли ЭОЛда метонимия, метафора, синекдоха усули билан ҳосил бўлган кўп маъноли сўзлар омоним сифатида берилган:

Этак

1. Кийимнинг тубанги томони, форсча “доман”.

Мисол: Майин ел шивирлаб бошингдан эсса,

Рўмолинг пириллаб ўйнаб кетади,

Чечаклар ўйнашиб йўлингни тўсса,

Этакларнинг аста сийпаб ўтади.

(Уйғун “Баҳор севинчлари” 19-бет)

2.Тоз этаги, тоғ домонаси, бу ҳам маълум этак сўзидан олингон ва тоғнинг тубанги қисми маъносида тоғ этаги дейиладир.

Мисол: Оқ сочли кекса тоғ музли киприкдан

Сочар тубанларга садаф доналар,

Ёяр этаклари чечак, лолалар.

(Уйғун “Баҳор севинчлари”, 35-бет)

Элбек этак сўзини шаклдош сифатида луғатга киритган бўлса-да, II шаклнинг тубанги, пастки қисми англиш мақсадида I шаклдан олинганини ҳам таъкидлаб ўтади.

Бундан ташқари, “лаб, қош, оёқ, оғиз” каби кўп маъноли сўзлар ҳам луғатга омоним сифатида киритилган.

РОЛда тил босқичида ва нутқ босқичида ҳосил бўладиган омонимия ҳодисасига эътибор қилинган, яъни улар алоҳида-алоҳида баҳоланган ва луғатга кититилмаган. ЭОЛда эса товуш тузилиши жиҳатдан лексемага тенг келадиган сўз шакл билан (ўсма-от, куймоқ-от, денгиз-от каби) лексемага грамматик маъно ифодаловчи аффикс қўшилиб тузилган сўз шакллар (масалан, ўс+ма (фёъл), куй-моқ (ҳаракат номи), де-нгиз (фёъл) каби) орасида юзага келувчи шаклдошлик ҳам ўз ифодасини топган. Чунки бу даврда рус тилшунослари томонидан тузилган омонимлар луғатида ҳам шаклдошлар шу тартибда берилган. Элбек ана шу анъанага риоя қилган:

Куймоқ

1. *Тухум ва ҳамирни аралаштириб пиширила тургон овқат.*

Бу овқат унга тухум аралаштириб мой билан пишириладир.

2. *Бир идишдан иккинчи идишга ёхуд бирор нарсага суюқ нарсани, масалан, сувни оғдармоқ, тўкмакга “куймоқ” дейдилар.*

Тилим

1. *Тилинган, кесилган нарса.*

Мисол: Ер бағрини тилим-тилим

Пўлат тишлар ёрадир.

Олтин тупроқ орасида

Бирлиант кўз қарайдир.

(Чизатой “Чақмоқлар” бет 35)

Менинг тилим.

Элбек тил босқичида ва нутқ босқичида ҳосил бўладиган омонимия ҳодисасини фарқламаганлиги туфайли ўша даврда тилимизда мавжуд бўлган кўпгина сўзларни луғатда қайд этган. Биз учун нотаниш бўлган бу сўзлар ҳозирги луғатларда учратмайди.

Масалан: “Тилма”. Касал исми, тилинатургон касал, масалан сарамас”; “Ёлчи... Ёлланиб ишловчи, кунлик меҳнатин сотиб ишловчи”; “Қолоқ... Нишолда ва ҳалим каби овқатларни кавлаш учун ишлатилатургон асбоб. Ўрага солингон бугдойни яхши сақлаш учун, уни чиритмаслик учун ўра ичида бир қатор қамшиш ётиштирилиб чиқиладир ва бунини қолоқ деб айтадилар” кабилар.

РОЛ да асосан ҳозирги адабий тилга мансуб бўлган лексемалар тасвирланган бўлиб, сўзлашув нутқида хос лексемалар чекланган миқдорда киритилган. Элбек шеваларда қандай сўз учраб қолса, уларнинг барини олаверган ва луғатга киритган. Чунки олим ўша даврда мавжуд бўлган барча шаклдошларни ўз луғатида қайд этишини мақсад қилган. Кўпчиликка нотаниш бўлган шевалардан сўз олиниши ўша давр луғатшунослиги учун ҳам, ҳозирги кун учун ҳам жуда аҳамиятлидир:

Эн

1.Кенглик, ёнига бўлгон кенглик. Масалан, читнинг энни бир газ чамасида бўлгони ҳолда, бўйининг неча ўн газлаб бўлиши мумкин.

2.Мато, юнгдан тўқулгон. Кўпинча бу нарса туя юнгдан тўқулиб ундан кўпрак чакмон ясалар эди. Бизда Ўратена энни машҳурдир.

3.Тамга, нишон, аломат, белги. Ҳайвонларнинг баданига бостирила тургон ишорат. Масалан, жониворларнинг ҳар бирининг ўзига махсус энни бўлиб, йўқолгон молини шу эн орқали топиб оладир. Эн ҳайвоннинг қулогин ҳар хил шаклда кесув ёхуд қизик темирни баданга ҳар хил суратда босувдан иборатдир.

РОЛга энни омоними киритилмаган. ЎТИЛ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) да эса бу сўз полесемантик сўз сифатида “нарсаларнинг кўндаланг йўналишидаги катталиги; ... бир кийимлик газлама; ... белги, тамга” каби уч маъносини берилган.

Элбек 2-маънодаги “энни” омонемасини “матонни” дея тушунтирса, ЎТИЛ да газлама бўлаги, қирқими деб изоҳланади. Бизнингча энни матонни ва газлама сўзларнинг эквиваленти бўлиб, кейинчалик қўлланилиш доираси торайиб, тўйларда маълум ўлчовда (2 метр) кесиб тарқатиладиган латта маъносида ишлатила

бошлаган. А.Навоий асарлари учун тузилган қисқача луғатда “энчи - тўқувчи” дея изоҳланади [6.1]. Бу сўзнинг ўзаги (*эн*)дан ҳам мато, материал маъносида халқ дostonларида учрайдиган “эн чакмон” бирикмасидаги *эн* сўзидан эса “юнг, юнгдан тўқилган мато” маъноси англашилади. Демак, Элбек бу сўз маъносини тўғри англаган ҳолда луғатга киритган. Бугунги кунда тузилаётган янги луғатларда *эн* омоним сифатида изоҳланса ва унинг эски вақтларда материал маъносида қўлланганлиги ҳам билдириб ўтилса, хато бўлмайди.

г) Омонимия бир тил тараққиётининг муайян босқичи доирасида белгиланади. Кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган лексемаларнинг эскирган сўзлар билан шаклан бир бўлса-да, омоним деб бўлмайди. Бироқ 20-30-йилларда тилни ёт сўзлардан тозалаш, уни соф туркий сўзлар ҳисобига бойитиш учун кураш кетаётган бир пайтда *қурултой, тўхтам, чечан, битик, очун, ёзоқ, ёзгич, йўсун, тузук* каби архаик сўзлар матбуот саҳифаларида, бадий асарларда яна жонлана бошлаган эди. Шу сабабли Элбек бундай сўзларнинг баъзиларини луғатда омоним сифатида келтирган:

Тузук

1. Низом, қоида, тартиб.

Мисол: Эскилик тузуги турмушидан ошиб

Тугалиш юртига юзланган чоғда

Енгиллик тузигин тузгали келдик.

(Уйғун “Баҳор севинчлари” 47-бет).

2. Дуруст, яхши, тўғри демак.

Элбекнинг ёшлик йиллари асосан Хумсон тоғларида ўтди. У отаси билан бирга ов қилар, деҳқончилик билан шуғулланар, шу сабаб ёшлигидан жуда кўп ўсимлик ва жонивор номларини биларди. Элбек луғатида ана шу ўзи билган ўсимлик ва жониворларнинг номларидан ҳам унумли фойдаланган.

Олги

1. Илгариги, олдиндаги киши, нарса.

Мисол: Пахта ҳосили учун курашда олги сафда бораётган Икромов кўлхози пахта планин ҳам вақтидан илгари ошириб бажарди.

2. *Ўсимлик. Тозларда ўса тургон бир турли ўсимлик. Унинг илдизида пиёз сингари оқ тухуми бўлади. Кишилар мунини майдалаб картушка уни сингари нарса тайёрлайдилар ва сутка кўшиб ичадилар. Ерли халқ сўзича бу, касалларга даво бўлар эмиш.*

3. *Олиқ, олина тургон мол, нарса.*

Човли

1. *Ҳамирли овқатларни сувдан сузиб, айриб олиши учун ишлатирадургон асбоб, буни оддий ҳолда дарахт новдасидан тўқуйдилар.*

2. *Қирғий, италги ва лочин сингари, ов солмоқ учун кўлга ўргатила тургон овчи қушлардан бирининг исми.*

Норвон

1. *Шоту, занги, қуюдан юқорига, айниқса, томга чиқиши учун ишлатила тургон асбоб.*

2. *Сада қайрағоч. Бу термин бутунлай деярлик Хоразм ўзбекларига хосдир. Хоразмдан ташқари ерда қайрағочни норвон, деб атамайдилар.*

ЭОЛда 20-30-йиллар давомида кенг истеъмолда бўлган ва бугунга келиб адабий тил нормасидан чиқиб кетган архаик сўзлар ҳам ўз ифодасини топган. Масалан:

Ёндош

Ёндошмоқ иш отидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги.

Ёндошмоқ, яқин келмоқ, ёнига етмоқ.

Мисол: кел, менга ёндош, мен сенга қўлимдан келган кўмакни аямай дарсларингга ёрдамлашаман.

2. *Ҳандаса термини. Мувозий демак. Ёндош чизиклар: Мувозий чизиклар деган сўз.*

Бу мисолимизда 2-маънодаги ёндош лексемаси ўша вақтларда арабча “мувозий” ўрнига қабул қилинган геометрик термин бўлиб, ҳозир “параллел” термини билан ўзгартирилган.

20-30-йилларда адабий тил нормалари қатъий равишда белгиланмаган эди. Элбек олинаётган сўз шевада қандай талаффуз қилинса, шундайлигича луғатда бераверган. Шу сабабли бугунги кунда фарқланувчи баъзи бир сўзлар ҳам луғатда омоним сифатида киритилган:

Чоч

1. *Тўплам, тўплангон нарса, уюм. Масалан хирмонга йиғилгон бугдой дони уюми.*

Мисол: Кўк бағрида калла урғон гегант элеватўр,

Чоч бўла ётир. Ғ.Ғулом.

2. *(Соч сўзига қаралсин)*

3. *Озиқ, калла ўлчагига маълум миқдор исми, масалан бир товоқни бугдой билан тўкилганга қадар тўлдирилса шунга “чоч” дейиладур.*

4. *Сочмоқ ишотининг буйруқ тингловчиси бўлгон “соч” сўзига қаралсин.*

Бу ердаги 1 ва 3 маънодаги “чоч” аслида “чош”, 2 ва 4 маънодаги “чоч” эса соч (от) ва соч (феъл) сўзларининг Тошкент шевасида айтилган шаклидир.

“Кавш”, “тирна”, “чов”, “жоду”, “қурт”, “чичик”, “охир” сўзларида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Элбек шаклдош сифатида келтирилган бу сўзлар бугунга келиб кавш (кавш қайтармоқ) - кавш (оёқ кийими); турна (от)-тирна (феъл), чов (бут оралиғи) - чоҳ (чуқурлик); жоду (сеҳр) ва жоди (қирқаш асбоби), қурт (хашарот) - қурут (егулик), чичик (яра) – чикит (чикинди, аҳлат), охир (одоқ) - охур (молларнинг ем идиши) тарзида фарқлаб чиқилади.

Элбек Норин (дарё номи), қурама (элат номи) каби этноним ва топонимлар билан норин (овқат номи), қурама (аралаш таркибли, қурук), тўқмоқ (йўғон бошли таёқ) каби сўзлар орасидаги шаклдошликни ҳам омоним ҳисоблаб луғатга киритилган:

Тўқмоқ

1. *Қирғизистон жумҳуриятида бир шаҳар исми.*

2. *Ўзгон бошли таёқ, чўқмор сингари калтак.*

Мисол: Унинг ҳар бир сўзи гўё тўқмоқ бўлиб бошимга тегадир.
(Максим Горкий, “Болалик”).

Норин

1. Сирдарёнинг бош бўтоғидан бири. Бу дарё Қирғизистондан ўтиб Фарғона водийсида Наманган шаҳри яқинида “Қора дарё” билан қўшилиб Сирдарё номини оладир. Фарғонада бу исмда бир райўн ҳам бор.

2. Овқат исми. Қозоқ-қирғиз ва ўзбеклар орасида мақбул овқатлардан бири. Эт ва хамир ҳамда сувдан ташкил топадургон тотли бир овқат бўлиб, айниқса, Тошкентда яхши тайёрланадир.

Бундай типдаги омонимлар Ш. Раҳматуллаевда ҳам мавжуд. Олим **чин** сўзини омоним сифатида лугатга киритар экан, бу сўзнинг бошқа-бошқа маъноларини ифодалаши ҳамда турли (санскрит ва хитой) тиллардан ўзлашганини ҳисобга олади.

Элбек келтирган *норин*, *тўқмоқ*, *қурама* сўзлари эса ҳозирги кунда омоним сўзларни аниқлаш мақсадида белгиланган бу тамойиллар талабига жавоб бермайди. Масалан, *қурама* сўзи асли бир неча хил жинс ва турларнинг аралашмаси деган маънони англатади. Шу маънодан келиб чиқиб, бир неча турли миллат кишиларининг ўзаро қурашиб, аралашиб кетуви натижасида юзага келган уруғ ҳам шу ном билан аталади (Сурхондарёда шундай таркибли ҳардури (ҳар турли) уруғи ҳам бор). Демак улар орасида маъно алоқадорлиги ҳам бор. Шунинг учун буларни омоним сўз сифатида изоҳлаш тўғри эмас.

ЭОЛ ва РОЛ даги баъзи омонимлар таркибидаги омонимлар сон жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилади: масалан, ён омоними РОЛда икки, ЭОЛда уч омонимлар деб берилган:

Ён

1. Жиҳат, тараф, томон.

Мисол: Ташина лаблар сенинг билан сероб,

Бўлиб ҳар ён боқар экан масрур. (Т.Саъдий).

2. Ёнмоқ ишотидан буруқ тингловчисининг бўлиши бирлиги.

Мисол: Шаршаранинг ёнида

Қумри қўшиқ айтар-кан,

Ҳали ёш қиз... қалбида

Белгисиз ун ётаркан.

(Ойбек, “Кўнгли найлари” 25-бет)

3. Ёнмоқ ишотидан буюқ тингловчисининг бўлиши бирлиги. Ёнмоқ: орқага қайтмоқ, орқага чекинмоқ деган сўз.

ЭОЛда келтирилган ушбу парчада 3-омолексема архаик сўз бўлиб, у фақат мумтоз асарлардагина қўлланган. Элбек ўзбек тилида мавжуд бўлган бутун шаклдош сўзларни тўплашга ҳаракат қилганлиги сабаб, ана шундай архаик сўзларни ҳам лугатига киритган. Худди шунингдек ол омоними РОЛда икки, ЭОЛда уч омонимлар деб берилган. Масалан:

Ол

Олмоқ иш отидан буйруқ тингловчисининг бўлиши бирлиги.

Олмоқ: бирор нарсани қўлга киритмоқ.

Мисол: Ай нашъали севгим янги қишлоқ,

Тонглар ила қайтдим сени излаб.

Ҳадям сенга оқ чеҳрали ёз чоқ,

Ҳеч ташлама, ол қўйнингга тезлаб

(Эргаш, “Йиллар”, 18-бет)

2. Тус, ранг оти.

Мисол: Ол тонг отди, гул яратди, кўринишларда табассум.

3. Илгари, олдин, илгари томон маънисида.

Мисол: ... Демак, бизнинг пахтачилигимиз тўхтовсиз олга босаётган бир вақтда капиталимиз мамалакатларида пахта майдонлари ҳам қисқариб, ... пахтачилик орқага қараб кетаёттир. (Ўзкомпартия МК ва МКК февраль пленумида ўртоқ А.Икромўв докладидан).

Бу ердаги 3-омолексема олдинги, илгариги маъносини ифодаловчи туркий сўз бўлиб у ҳозирга қадар татар тилида фаол қўлланилади.

20-30-йиллар давомида татар маърифатпарварлари билан бўлган кучли адабий алоқалар натижасида ол сўзи тилимизда қайта қўлланган ва бугунга келиб ажраламас ўзакка айланган олга сўзи

юзгага келган, илгари эса ол+ға (от+жун.к) тарзида морфемаларга бўлинган, баъзан олғи шаклида ҳам қўлланган: “Пахта ҳосили учун курашда олғи сафда бораётган Икромўф колхўзи пахта планини ҳам вақтидан илгари ошириб бажарди ” [8.32, 17-бет].

РОЛда эса ол сўзининг феъл ва кўмакчи феъл шаклларигина ўз ифодасини топган.

ЭОЛ да уч маъноли омоним сифатида изоҳланган сўз РОЛ да тўрт маъноли омоним сифатида изоҳланган. Бунга сабаб РОЛ да *қур, ёт, қўй* каби кўмакчи феъллар ва *қур, қий, топ* каби тақлид сўзлар алоҳида омолексема сифатида берилган. ЭОЛ га булар киритилмаган. Масалан:

Қий

1.*Қўй тезаги. Қўйхоналарда босилиб, янчилиб, ёпишиб чўлмага айланган тезак.*

2.*Қиймоқ ишотидан буйруқ тингловчисининг бўлишли бирлиги.*

Қайчи билан қозғоз қий, оғочни қийма.

3.*Баҳридан ўтмак, қўлдаги нарсанинг иккинчи бир қўлга кетишига рози бўлмоқ.*

Мисол:-акаси тушкур ўлганча бепарво, йетилиб турган синглимни, муштипар онамни ёлғиз ташлаб келишига қандай қияман демаса...

(Ғ.Фулом, “Ҳикоялар”, 6-бет)

РОЛ да эса булардан ташқари “*қий: тақлид сўз. Қий-чув*” маъносидаги тўртинчи омолексема ҳам киритилган.

Биз ЭОЛ ва РОЛ орасидаги фарқларни кўриб чиқдик. Кўрсатилган фарқлар Элбек луғатининг камчилиги ҳисобланмайди. Олим “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” ни тузаётганда ўша даврда луғатшунослик соҳасида мавжуд бўлган барча анъаналарга риоя қилган.

Д.Боровков, К.Юдахин, А.Фитрат, У.Турсун каби тилшунос олимлар ва терминқўм кенгаши луғатини кўриб чиқиб, нашр эттиришни маъкул топганидан сўнггина асар бостирилиб, кенг китобхон оммасига ҳавола этилган.

Элбек сўз бошисида шундай ёзади: “Албатта бу асарнинг камчилиги бўлмай мумкин эмас, булар ва балким жуда ҳам кўпдир.

Бирок, мен бунинг шу каби камчиликларига қарамасдан, келажакда шу тўғрида тузилатургон асарга материаллик юмушин ўташига аминман ” [8.32, 4-бет]. Бу камтарона ёзилган сўзлардан шу нарса маълум бўладики, ўзбек халқида ишлатиладиган сўзларни тўплаб, маъноларини аниқлаш, уларни асосли далиллар билан луғатда қайд этиш ва шу йўл билан келажакда тузиладиган мукамал луғатлар учун замин тайёрлаш Элбекнинг эзгу бир мақсади бўлган.

Шундай қилиб, Элбекнинг “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” ўзбек луғашунослиги тарихи учун қимматли асар бўлиб, унинг янги тузилаётган луғатлар учун тадбиқ қилинадиган жиҳатлари бор.

Бу луғатда 20-30-йилларда сўзлашув нутқида, диалектларда, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳамда бадиий адабиётда қўлланилган омоним сўзлар қамраб олинган бўлиб, ундан биз ийрим сўзларнинг маъноларини аниқлашда, этимологиясини ўрганишда фойдаланамиз.

Луғатдаги турли изоҳ усуллари кўмагида сўз маъноларининг янги очиб берилиши, бу маъноларни тасдиқлаш учун ишончли манбалардан мисолларнинг ҳавола қилиниши шундан далолатдирки, Элбек ўша давр рус ҳамда туркий тиллар луғашунослигининг луғат тузиш принципларини чуқур ўрганган ва ўз луғатларига тадбиқ қилиб, ўзбек луғашунослигини янги босқичга кўтарган.

30-йилларга келиб ўзбек тилидаги мавжуд сўзларни, уларнинг маъноларини кўрсатиш, адабий тил нормаларни белгилаш, тилимизнинг бой луғат захирасини тўплаш учун ўзбек тилининг изоҳли луғатини яратиш зарурати юзага келди. 1935-йилда ташкил қилинган “Ўзбекистон Тил-адабиёт Илмий Текшириш Институти”нинг ходимлари бу вазифани биринчи ўринга қўйдилар. Институт қўлида бир неча юз босма тобоқли халқ оғзаки ижоди намуналаридан иборат бой материал тўпланган бўлиб, Элбек институтнинг буйруғи билан халқ дostonлари тилини текширишга киришди. Шу асосда мингдан ортиқ сўзларнинг изоҳли луғатини тузиб, “Тил проблемалари” номли журналда эълон қилди [8.33].

Элбек ўзининг бу луғатида адабий тилда кам учрайдиган ҳамда бир лаҳжада бир маънода бўлиб, иккинчи лаҳжада иккинчи маънода қўлланиладиган сўзларнинг маъноларини тушунтиришни асосий вазифа қилиб олган. Ҳар бир изоҳланган сўзга “Алпомиш”, “Раҳна билан Сухангул”, “Ширин ва Шакар”, “Шайбонихон”, “Равшанхон”, “Маликаи айёр”, “Темирхон пошшо”, “Очилдов” дostonларидан иллюстратив мисоллар келтирган. Элбекнинг бу луғатидаги сўзларни қуйидаги мавзуй гуруҳларга ажратиб таснифлаш мумкин:

1. **От анжомлари номлари:** айил, товир, қуруқ, абзал, беллик, қошов, тизгин, жаҳалдирик, умилдирик, узмали;
2. **Жонивор номлари:** белдор, байтал, човқар, жоби, дўнан, чўбур, қосатулпор, қулон, тўпчоқ, бўта, жўнг;
3. **Қуш номлари:** баҳрин, гожир, тарлонқуш, туйгун;
4. **Ўсимлик номлари:** ондиз, оғоч, бўтақўз, қоврон;
5. **Ўрин, жой номлари:** орқа, гўдинтов, бузук, жуноғар, қоқос, жолгизоёқ, дара, дарбанд, дўғул, ўр, ўра, қоқ;
6. **Кийим-кечак номлари:** қасаба, чолбор, тоқия, жувурма, қирпи, жига;
7. **Инсон тана аъзоларининг номлари:** ўжа, ўкча, ўмган;
8. **Инсоннинг рухий-жисмоний белгиларини ифодаловчи сўзлар:** билгир, хужжасак, ўрлик, чопчан, анойи, онг;
9. **Ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзлар:** бадалмоқ, чалқимоқ, чўймак, жўқсомоқ, жўммак, жонимоқ, жойнамоқ, доримоқ, тинжирамак, удраймоқ, инжилмак, тунқотмоқ, ўтул қилмоқ, тенгсалмак, тарақас, байламак кабилар.

Элбекнинг бу луғатидан халқ дostonларининг тилини ўрганишда ва ўқишда фойдаланиш мумкин. Бироқ луғатдаги кўпчилик сўзлар шевага хос бўлганлиги учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган. Бизнингча, олимнинг ушбу луғатини алоҳида фольклор луғати сифатида нашр этиш ёки шу типдаги луғатларни тузишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Бизга маълумки, Элбек ўз фаолияти давомида бир қанча бадий асарлар ёзди ва уларда ўзининг сўз қўллаш услуби билан

Ўзбек тилининг нақадар бой тил эканлигини кўрсатишга интилди. Олим шевалар устида изланар экан, улардан кўпчиликка нотаниш бўлган туркий сўзларни олади ва ўз асарларида маҳорат билан қўллайди. Бу билан бундай сўзларни кенг истеъмол доирасига киритишга уринади, тилшунос олим сифатида бу сўзларни изохлашга ҳам ҳаракат қилади. Масалан: “товачи - чиқиргувчи, мунаддий”, “бўруғ - маккажўхори пояси”, “қуруқ - очилмаган ер”, “тўят - тивит”, “нуркар - отнинг бир тури, човкарга ўхшаш”, “турун - уруғ, қавм”, “чўқай - чориқ ўрнида қилатурғон, от почасидан ишланган оёқ кийими”, “иян бўлмоқ - ёлчимоқ” каби.

Шундай қилиб, Элбек тилшуносликнинг луғатшунослик соҳасида самарали меҳнат қилди. Бу соҳада жиддий илмий тадқиқот ишларини бошлаб берди, ўз фаолияти билан ўзбек луғатшунослигининг янги босқичига йўл очиб, назарий масалаларининг ишлаб чиқишига маълум даражада таъсир қилди.

ХУЛОСА

Элбекнинг тилшунослик фаолияти ва мероси билан танишини натижасида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Элбек араб алифбосини ислоҳ этишда ўзининг мустақил фикрлари билан иштирок этиб, ўзбек миллий ёзувининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшди. Олим ўзбек алифбосини мактабларда жорий этиш, уни кенг халқ орасида ташвиқ қилишда жонбозлик қилиб, омма саводхонлиги учун курашди.

2. Элбек ўзбек тилининг қатъий имло қоидаларини тузишга ҳаракат қилади. Тилшунос “Тилимиздаги янглишиқлар”, “Газета тилида бирлик бўлсин”, “Олди олинсин” каби мурожаат тарзида ёзилган мақолалари орқали бутун матбуот ходимларини имлода бирлашишга, имло ўзбошимчалигига чек қўйишга чақирди. Бу сай ҳаракатлари билан ўзбек тили имло қоидаларининг изга тушиб, такомиллашишига имкон яратди. Элбек ва унинг ҳаммаслақлари томонидан тузилган дарслик, қўлланма ва рисоаларнинг имлоси 20-30-йилларда Ўзбекистон аҳли учун имло дастури бўлиб хизмат қилди. Барча зиёлилар имло масаласида Элбек ва Чигатой гурунги аъзолари фикрларига эргашдилар.

3. Элбек ўзининг зукко илмий-назарий қарашлари билан сингармонизм муаммосининг ижобий ҳал қилинишида рол ўйнади. Бу даврда кўпгина тилшунослар туркий сўзларни сингармонизм асосида ва ўзлашма (ёт) сўзларни мумкин қадар эшитилганча (яъни сингармонизмдан ҳоли) ёзиш тарафдори бўлдилар ва тилда икки хил имлонинг ҳукм суришига йўл очиб, ёзувда бошбошдоқликни келтириб чиқардилар. Шунда Элбек “истиснолардан ҳоли қатъий қоида тузиш, ёки сингармонизмдан бутунлай воз кечиш” каби икки қатъий таклиф билан чиқди. 30-йилларга келиб барча тилшунослар Элбек таклиф этган иккинчи йўлни энг тўғри йўл деб топдилар ва шу билан сингармонизм муаммоси ҳал этилди.

4. Элбек ўзбек тилшунослиги терминологиясини ишлашга киришган илк тадқиқотчилардан биридир. У ўз ижодий изланишлари давомида “кесим” (ҳукм), “иш оти” (фёъл), “атама”,

“журноқ” (сўз ясовчи кўшимча), “тиркалғич” (кўшимча) каби бир қанча терминларни истемолга киритди. Гарчи бу терминларнинг кўплари вақт синовиға дош беролмаган бўлсада, Элбеклар ташлаган пойдевор ўзбек тилшунослиги грамматик терминологиясининг шаклланишиға, уларнинг такомиллашувиға зимин бўлди. Элбек яратган айрим терминлар (“кесим”, “кўшимча” каби) ҳозирға қадар ўз аҳамиятини йўқотмади.

5. Луғатшунослик - Элбек фаолиятининг асосий қирраси бўлиб, у бу соҳада самарали ижод қилди. Элбекнинг “Луғат ва атамалар” исари инқилобдан сўнг луғатшунослик соҳасининг янги босқичида ўзбек шевалари ва мумтоз асарлар тилини ўрганиш йўлидаги биринчи илмий тадқиқотдир. Бу луғат орқали биз Чиғатой гурунги пьзоларининг тил софлигини сақлаш, уни ички имкониятлар исосида ривожлантириш борасидаги фаолиятлари билан чуқур танишиш имкониятиға эға бўламиз.

6. Элбекнинг “Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати” ўзбек тилида биринчи бор тузилган махсус луғат бўлиб, унда 20-30-йиллар муомалада бўлган ўзбек тилидаги омоним сўзларнинг асосий қисми ўз ифодасини топган. Элбек бу луғатни тузишда ўша даврда мавжуд бўлган лексикографик тамойилларға амал қилди. Рус, турк, титар олимларининг бу борадаги тажрибаларидан ижодий фойдаланди. Олим луғатдаги сўзларни янги лотин алифбоси тартибида жойлаштирди. Омолексемаларнинг маъноларини бир печа изох усуллари ёрдамида очиб берди. Бу маъноларнинг исботи учун халқ оғзаки ижоди намуналари, бадиий асарлар, қурултой материаллари, жонли сўзлашувдан олинган иллюстратив мисоллардан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланди. Шу асосда янги бир луғат тузиб, ўзбек луғашунослигини юқори босқичға кўтарди.

Айрим шеваға хос сўзлар биринчи бор ўзбек тилининг сўз бойлиги сифатида Элбек луғатида қайд этилди.

7. Элбек биринчи бор халқ дostonлари тил хусусиятларини тадқиқ этди. У адабий тилда ва халқ дostonлари тилида турли маънода ишлатилувчи сўзларни тўплаб ўрганди ва уни “Ўзбек тўла сўзлигиға материаллар” номи билан чоп эттирди. Бу луғатда асосан

турли ҳайвон, ўсимликлар, қушлар ҳамда от анжомлари номларини ифодаловчи сўзлар изоҳланган.

8. Элбек ўз бадий асарларида сўз қўллаш услуби билан ҳам ўзбек тилининг бойлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Олим асарларида ўзбек халқ шеваларида жуда кам қўлланиладиган, кўпчиликка нотаниш сўзларни ишлатар экан, албатта уларга изоҳ беришни унутмайди. Масалан, “нуркар” (отнинг бир тури), “турун” (уруғ, қавм), “урду” (меҳнат лашкари), “тўят” (тивит), “чўқай” (от почасидан ишланган оёқ кийими), “иян бўлмоқ” (ёлчимоқ) сўзлари асарларида ўз ўрнида изоҳлаб кетилган.

Умуман олганда, Элбек фаол хизматлари, салмоқли илмий мероси билан ўзбек тилшунослиги фани тараққиётига ўз ҳиссасини кўшиди ва тилшунос олимлар орасида алоҳида эътибор қозонди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Илмий-адабий тўплам, журнал ва вақтли матбуот материаллари

- 1.1. А. Алифбо масаласини ҳал қилиш керак // Туркистон. 1924. 12 нояб.
- 1.2. А. Бир икки сўз // Қизил Ўзбекистон. 1925. - № 223.
- 1.3. А. Ўзбекларга татар тили // Туркистон. 1923. 10 июнь.
- 1.4. А. Ўрта Осиё тилларининг татаббуи // Қизил Ўзбекистон. 1925. 18 март.
- 1.5. А. Х. Тошкент кўнферинсиясида имло масаласи // Қизил байроқ. 1921. 11 янв.
- 1.6. Абдукарим. Ҳарфимиз // Қизил байроқ. 1921.-№11
- 1.7. Алавий А. Янги лойиҳа // Маориф ва ўқитғучи. 1926.-№ 6. -Б. 39-40.
- 1.8. Алавий А. Ўзбек янги алифбосини тузишда асослар. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр. 1927. -Б. 24.
- 1.9. Алавий А. Тилимиз тўғрисида // Аланга. 1927. -№ 2.
- 1.10. Адабий тил ва имло тўғрисида мақола ва қарорлар. II тўплам, I-серия. Тўпловчи: Рамазон Қ. -Тошкент: Ўздавнашр. 1934. - 80 б.
- 1.11. Акмал. Курук қарор билан иш битмас // Қизил Ўзбекистон. 1922. 18 март.
- 1.12. Амиров А. Имло тўғрисида баъзи мулоҳазалар // Қизил Ўзбекистон. 1933. 26 май.
- 1.13. Андижон тилчиларининг фикрлари // Қизил Ўзбекистон. 1929. № 40.
